

24-сон 1439-2018


# Олмина

Ижтимоий-маърифий журнал

МАХСУС СОН

- \*10 йилда 10 марра*
- \*Ҳазратни хотирлаб...*
- \*Жаннат райҳонлари*
- \*Интернет ҳалолми?*
- \*Ахборот асрида аёллар*
- \*Мадинага қўйсам қадам...*





ЭЛЕКТРОН МАНЗИЛ:  
[muslimalar1@gmail.com](mailto:muslimalar1@gmail.com)

## Ушбу махсус сонимиз «МУСЛИМААТ.УЗ» фаолиятининг 10 йиллигига бағишланади.

### «ОМИНА» ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИНИНГ ҲАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:

- Одинахон Муҳаммад Юсуф
- Шаҳноза Тўрахўжаева
- Гулбаҳор Абдуллоҳ
- Зуҳраҳон Ҳамдамова
- Дилафруз Юсупова
- Гўзал Дадамўхамедова
- Муяссар Қаюмова
- Азиза Жалолиддинова
- Назокат Қосимова
- Дизайнер:  
 Рухсора Азизова
- Техник муҳаррир:  
 Алимардон Ақилов



### “muslimaat.uz” Қуръон қироати мусобақасида

Гўзал юртимизда муҳтарам Президентимиз бошчилигида динимиз равнақи йўлида жуда катта ислохотлар амал оширилаётгани барчамизга маълум.

Жумладан, давлатимиз раҳбари 2017 йил 1 сентябрда “Ҳазрати Имом” мажмуасида давлат, жамоат ва диний соҳа ходимлари билан учрашди. Унда Дин ишлари бўйича Қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази биргаликда Республикада оммавий равишда ва турли босқичларда Қуръон қироати мусобақаларини ўтказиш бўйича топшириқ берган эди. Ушбу топшириқнинг ижроси юзасидан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тарафидан ташкилий қўмита тузилди.

Президентимизнинг ташаббуси билан ўтказилаётган Қуръон қироати мусобақасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги диний таълим муассасалари ва Тошкент Ислом университети талабаларидан ташқари масжидлардаги имоҳатиблар, имом ноиблари ҳамда Қуръони Карим қироати бўйича иқтидори бўлган 18–40 ёшдаги барча фуқароларимиз иштирок этдилар.

Аёллар учун шариат талабларига кўра алоҳида шарт-шароитлар ва ҳакамлар ҳайъати тақдим этилди (яъни, аёллар ҳакамлик қилдилар).

Мусобақа икки йўналиш бўйича ўтказилди: ҳифз ва тиловат. Ҳифз йўналишида Қуръони Каримни тўла ёд олган қори ва қориялар, тиловат йўналишида эса Қуръонни гўзал тарзда, равон тиловат қила оладиган фуқаролар иштирок этишди.

“muslimaat.uz” сайтининг раҳбари Одинахон Муҳаммад Юсуф “Қуръон мусобақаси – 2018” ташкилий ҳайъати томонидан ҳакам сифатида муборак хизматга жалб этилди.

Қуръон мусобақасининг янада шуқуҳли ўтишида “muslimaat.uz” жамоаси ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Нашидчи қизларимизнинг гўзал салавоту нашидлари сафар давомида муҳаббатли қалбларга завқ шавқ улашди. Шунингдек, ташкил қилинган кичик-кичик махсус “muslimaat.uz” гуруҳлари жойларда бўлиб ўтаётган ҳудудлараро Қуръон мусобақаларида ҳозир бўлишди ва беллашувларни онлайн тарзда расмий репортаж, лавҳа ва интервьюлар орқали ёритиб, халқни мусобақа жараёнидан хабардор қилиб бордилар.

Шунингдек, Тошкент шаҳридаги муборак беллашувда сайтимизда фаолият кўрсатадиган қизларимиз қатнашдилар ва улардан бири юқори ўрин соҳибасига айланди.

Албатта, қутлуғ ишдаги бу саъй-ҳаракатни Аллоҳ таолонинг Ўзи мукофотлашини умид қилиб қоламиз...

**Зухраҳон ҲАМДАМОВА**





## Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм!

Алҳамдулиллаҳи роббил аъламин  
Вассолаату вассалааму алаа хой-  
ри холқиҳи Муҳаммад ва аалиҳи ва  
асҳаабиҳи ажмаъийн Оламларнинг  
тарбиячиси бўлган Аллоҳ таолога  
ҳамду санолар бўлсин!

Сарвари олам Муҳаммад Муста-  
фо соллаллоҳу алайҳи васаллам,  
у кишининг аҳли байтлари, азвож-у  
мутаҳҳаротлари, уммаҳотул мўъми-  
нийнга, барча саҳоба-ю саҳобиялар-  
га Аллоҳ Таолодан саловату дуруд-  
лар бўлсин!

Ассаламу алайкум ва роҳматул-  
лоҳи ва барокатуҳ!

Азизлар, яқиндагина устозимиз,  
падари бузрукворимиз шайх Му-  
ҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳаз-  
ратлари асос солган Ислом.уз пор-  
тали қошидаги муслима аёлларга

мўлжалланган «Муслимаат.уз» сай-  
тининг 10 йиллигини нишонладик.  
Шу муносабат билан барчамиз учун  
фойдали бўладиган баъзи бир панд-  
насихатларни эслатишни лозим деб  
билдим. У ҳам бўлса, Ислом дини  
аёл қадрини улуғлагани, Ислом кел-  
гунча бўлган ҳолатни ислоҳ қилиб,  
аёлнинг жамиятдаги ўрни муҳимли-  
гига жуда катта эътибор берганлиги-  
ни эслатишдир.

Аллоҳ Таоло Қуръони Каримдаги  
бир сурани «Нисо» (Аёл) деб номла-  
ши ҳам аёлнинг жамиятда, Исломда  
тутган ўрни нақадар улуғлиги бел-  
гисидир. Пайғамбаримиз Муҳаммад  
Мустафо соллаллоҳи алайҳи васал-  
лам ҳам ўша пайтдаги ҳолатни, яъни  
аёлнинг камситилишини ислоҳ этиш,  
унинг жамиятдаги ўрнини юксалти-  
риш мақсадида ўзларининг муборак  
ҳадисларида:

### أَنَّما النِّسَاءُ شَفَائِقُ الرِّجَالِ

Яъни: «Албатта, аёллар эркакларнинг туғишганларидир», деб марҳамат қилдилар. Бу билан аёл кишининг жамиятдаги ўрнини қайта тикладилар, юксалтирдилар. Аёлнинг ҳурмати, иззати ва қадри баландлигини баён этдилар.

Аёлларнинг шариатда, оилада, жамиятда тутган ўринлари жуда муҳим. Чунки жамиятнинг фароғати, ривожланиши, ундаги тинчлик-хотиржамликнинг асосий омилларидан бири аёлдир. Аёл фарзанд тарбиясида эркакдан кўра кўпроқ машғулдир, шу важдан унинг ўзи ҳам таълимли, илмли, тарбияли бўлиши жуда аҳамиятлидир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бу нарсани умматларига баён қилиб, аҳамиятини билдириб, аёлларга нисбатан муносабатлари билан ўр-нак бўлиб кетганлар.

Қуйидаги яна бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг таълим-тарбиясига қандай эътибор берганларини кўрамиз. Бир куни саҳобий аёллардан бири Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, шундай мурожаат қилдилар: «Ё Расулуллоҳ, сиз айтган ҳадисларингиз, сўзларингизнинг ҳаммасини эркаклар олиб кетишди, биз учун ҳам алоҳида бир кунни тайин қилинг, унда Аллоҳ таоло сизга берган илмлардан бизга ҳам ўргатинг». Шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллар учун бир кунни тайин қилдилар. Уша куни аёлларга тарбия, Аллоҳ таоло у кишига берган илмдан таълим бердилар. Бу таълимотларга эргашган

ҳолда бугунги кунда биз мусулмонлар ҳам жамиятимизни, мусулмонларни ислоҳ қилиш учун, аввало, аёлларнинг таълим-тарбияси, уларнинг ислоҳига катта эътибор беришимиз керак.

Шу ўринда бугунги кунда фаолият олиб бораётган «Муслимаат.уз» сайтимизнинг аҳамияти жуда катталигини айтмоқчиман. 10 йил давомида қилинган ишларнинг айрим натижаларини кўриб ҳам турибмиз. Устозимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари аёл-қизларимизнинг тарбиясига алоҳида эътибор берганлар. Бу эътиборни Ислом.уз портали мажлисларида «Муслимаат.уз» сайтга бўлган алоҳида муомалаларидан ҳам биламиз. У киши аёл-қизларимизнинг олиб бораётган ишларига катта эътибор билан қараб, ўзларининг панд-насихатлари билан доим йўл кўрсатиб турганлар. Бу ҳам бўлса, айна масаланинг нақадар муҳимлигидан далолатдир. «Муслимаат.уз» саҳифасининг 10 йиллиги муносабати билан муҳтарама, мўмина опсингилларимиз, сайтимиз мухлисларини «Ислом.уз» портали ҳамда «Ҳилол-нашр» нашриёт-матбааси ходимлари номидан чин қалбимдан муборакбод этаман. Уларга олиб бораётган ишларида муваффақиятлар тилайман. Аллоҳ таоло ўзини розилиги учун қилинаётган ишларида доимо мададкор бўлсин. Бу йўлда ўзлари кутгандан ҳам яхшироқ натижаларга эриштирайсин. Ушбу ишларининг бардавом бўлишида Ўзи ёрдамчи, кўмакчи бўлсин!

*Исмоил Муҳаммад Юсуф  
«Hilol-Nashr» ношири ва islom.uz  
портали раҳбари*



# ҲАЗРАТНИ ХОТИРЛАБ

## Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм

Алҳамдулиллаҳи роббил аъламийн. Вассолаату вассаламу алаа хойри холқиҳи Муҳаммад ва аалиҳи ва асҳаабиҳи ажмаъийн.

Хотира Аллоҳ таолонинг инсонга берган буюк неъматларидандир. Гўзал ва ёқимли хотираларни эслаб, қалбинг сурурга ва қувончга тўлади. «Муслимаат.уз» сайти ходимларининг фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфга боғлиқ хотиралари эса алоҳида қадрли ва таъсирлидир. Қуйида шу азиз хотиралардан бир парчаси билан ўртоқлашамиз.

«Муслимаат.уз» ташкил топганига 10 йил тўлган бўлса ҳам, ҳозиргидек жамоа бўлиб ишлаётганига беш йил бўлди. Фаолиятимиз эндигина бошланган пайтда ҳафтанинг маълум кунлари кўришиб, “Омина” журналининг янги сони ҳақида маслаҳатлашиб олардик. Мақолалар тайёр бўлгандан сўнг, яна бир учрашиб, уларни бир жойга йиғиб, муҳаррирга, кейин эса дизайнерга юборардик. Сайтга янгиликларни жойлаш, мақолалар қўйиш эса техникларнинг зиммасида эди. Секин-аста устозимиз Одинахон Муҳаммад Юсуф ёрдамида сайтни бошқаришнинг техник сирларини ҳам мутахасислардан ўргана бошладик. Мақолани сайтга жойлаш, унга мос расм танлаш ёки ясаш ишларини ўзлаштирдик.

Сайтда янги нашр қилинган мақолаларнинг кўпроқ ўқувчиларга етиб бориши учун уларни фейсбук ижтимоий тармоғида реклама қиладиган бўлдик. Аллоҳнинг инояти билан ишларимиз ривож топиб, жадаллашиб борди. Энди бизга ҳафтанинг маълум кунларида кўришиш кифоя қилмайдиган бўлди. Тўла фаолият олиб боришимиз учун офисга эҳтиёж сеза бошладик. “Ҳилол нашр” нашиёт-матбаасининг ношири Исмоил Муҳаммад Юсуф «Муслимаат.уз» сайти учун нашриётдан бир хона ажратиб бердилар. Бу имконият янги муваффақиятларимиз учун эшик очиб берди.

Жамоамиз билан офисда кўришиш асносида яна нима қилсак, сайтнинг ўқувчилари кўпаяди, фойдаланувчилар кўпроқ қайси маълумотларни ўқишмоқда деган масалалар устида давомий маслаҳатлашувлар бўлиб турарди. Бора-бора мухлислар билан бевосита боғланиб, уларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишдик. Ҳаттоки, улар орасидан сайтга мақола ва шеърлар юборадиганлари ҳам топилди.

Кейинчалик сайтнинг кўламини янада кенгайтириш мақсадида Мухаррам, Рамазон ва Мавлид ойларига хослаб турли танловлар ҳамда тадбирлар уюштирадиган бўлдик. Ҳазрат тадбирларимизга ташриф буюриб, уларнинг янада файзли



ўтишини таъминлаб берардилар ва ғолибларимизга совғаларни ўз қўллари билан топширадилар. У пайтларда тadbир ва байрамларни ўтказишда тажрибамиз етишмасди. Tadbирларимиз давомидаги камчиликларимиздан ўзимиз уялиб кетардик. Ҳазрат эса доимо ишларимизга барака тилаб, ҳимматларингизга ҳиммат қўшилсин, дердилар. Ҳеч қачон хато ва камчиликларимизни гапирмаганлар.

2013 йил май ойида сайтимизнинг йиллик ҳисобот тadbирини уюштирдик. Tadbир давомида анчадан бери сайт ишларига қарашиб келган бир неча инсонларни тақдирлаш керак эди.

Тақдирланувчилар шунақанги кўп эдики, ҳатто ўзимиз ҳам чарчаб кетдик ва Ҳазратни ҳам чарчатдик. Ҳижолатда турганимизни сезган Ҳазрат орада ҳазил аралаш гапириб, бизни бу ҳолатдан қутқармоқчи бўлардилар. Tadbир сўнгида барчамизга чин ва самимий тилаklarини айтиб, ҳаққимизга чиройли дуолар қилдилар. Шунча камчиликларимизга қарамасдан, пор-





талнинг ҳисобот мажлисида ушбу ҳисобот дастуримизни ҳаммага намуна қилиб кўрсатиб, бизни мақтаб қўйдилар.

Ислом.уз порталининг ойда икки марта ҳисобот мажлиси бўлиб ўтарди. Унда Ҳазрат ҳар бир сайтнинг ҳисоботларини тинглаб, эндиликда қилинадиган ишлар ҳақида ўз тавсияларини берардилар. Бу мажлисларда «Муслимаат.уз» сайтининг ҳисоботларига алоҳида эътибор билан қарардилар. Мажлис давомида нафақат ҳисобот топширардик, балки Ҳазрат билан жонли мулоқотда бўлиб, у зотдан дарс ва ибрат олардик. Қўл остидагиларнинг ҳар бирига қилган муомалалари, тинглаш одоби, гапириш одоблари бизга ўрнак эди. У зотнинг юзлари доим хотиржам турарди. Ҳаракатни астойдил қиламиз, натижасини эса Аллоҳдан кутамиз, дердилар доим. Баъзи муваффақиятларимизни камтарлик юзасидан гапирмасак, ўзлари ҳаммага маълум қилиб, ўрни келганда ўзимизни мақташни ҳам билишимиз керак, дердилар. Ҳар бир ишни эҳтиёт бўлиб қилишни, мақолаларимизга жиддий эътибор беришимизни, агар бизга бирор мусибат етса, дўстларимиз паришон, душманларимиз эса хурсанд бўлишини айтардилар.

Кейинчалик ишларимиз кенгайиб, офисга серқатнов бўлиб қолдик. Бир куни Ҳазратнинг яқин кадрдонларидан Қувайт бош вазирининг ўринбосари Одил Фалақ жаноблари Ўзбекистонга қилган сафари давомида Ислом.уз порталининг фаолияти би-

лан танишиш учун нашриётга ташриф буюрдилар. Ҳазрат учрашувда порталдаги барча сайт ходимлари ва сайтларнинг иш йўналишлари ҳақида бирма-бир айтиб бердилар. Шу орада бизни, яъни «Муслимаат.уз» сайтини ва ходимларини таништириб ўтдилар. Учрашувдан сўнг Одил Фалақ жаноблари Ҳазратга порталдаги ходимлар ичида аёлларнинг борлиги жуда маъқул экани, аёл киши оиласи ва фарзандларининг хизматидан ортиб, ўзи сингари опа-сингилларининг илм олиши ва маърифатли бўлиши учун қилаётган меҳнатлари таҳсинга сазоворлигини таъкидладилар ва яна имом Бухорийни ҳам отаси эмас, онаси, яъни аёл шундай тарбиялаганини айтиб, аёлларнинг бундай хизматларини кадрлаш керак дебдилар. Ушбу мулоҳазаларни ҳисобот мажлисимизда Ҳазратнинг ўзлари айтиб бердилар.

Ҳазратимиз аёлларни эҳтиром қилишда ўзлари ўрнак бўлдилар ва бошқаларни ҳам шунга йўллаб қўйдилар. Аслида, Ҳазрат ҳақида айтсак, гапларимиз кўп. Ёдимизга тушганларини сатрларга туширдик, холос. У зотнинг назоратларида атиги икки йилгина фаолият юритдик. Лекин бу йиллар асрларга татиғулик бўлди.

Ҳазратга ортиқча таъриф тавсифнинг кераги йўқ. Чунки Ҳазрат ҳазрат эдилар. Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳақиқий меросхўрлари эдилар. Аллоҳим икки дунёда ҳам бизни солиҳлар билан бирга қилгин. Омин.

*Ирода Аҳмедова*

# «Muslimaat.uz»:

## 10 ЙИЛДА 10 МАРРА

**Б**ундан бир неча йил аввал мақолам учун Исломда аёлларнинг ўрни мавзусида маълумотлар излай туриб «muslimaat.uz» сайтига кирдим. Шариат, оила, эрхотин муносабатлари каби маиший масалалар билан чекланган одатдаги сайтлардан бири бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Орадан 10 дақиқа ўтар-ўтмас фикрим ўзгарди. Маълумотлар, таҳлиллар, танловлар, савол-жавоблар, ҳикматлар, форум муҳокамалари, баҳслар... Мавзулари хилма-хил бўлган ушбу сайтда қайноқ фаолият, жўшқин ҳаёт бор эди. Орадан йиллар ўтиб, вазият тақозосига кўра ушбу сайтга яқинлашдим ва бу йил «muslimaat.uz» ташкил этилганининг 10 йиллиги тантаналарига шахсан гувоҳ бўлдим: жуда аҳамиятли ишлар қилинмоқда. Бирон аёллар наشري ё хотин-қизлар ташкилотлари фаолиятида кузатмаганим жиҳатларни шу ерда кўрдим: «muslimaat.uz» миллат аёлларини бир ғоя ва мақсад ила бирлаштириб, уюштиришни эпладди. Ғояки, баркамол авлод тарбиялаш ва умматнинг келажаги учун тараққиёт уруғларини экиш ғояси. Зеро, ҳар қандай тараққиёт, юксалиш, ривожланиш уруғи аввало аёл қалбида, сўнгра фарзандлар, демакки, келажак авлод онгида пайдо бўлади.

Сайт фаолиятини кузатарканман, ютуқларини таҳлил қилишга уриндим:

**1. Ихлос.** Амалнинг ибтидоси ихлосли бўлса, натижаси ҳам хайрли бўлади. Бундан 10 йил аввал фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг ташаббуслари ва оқ фотиҳалари ила «Islom.uz» порталининг бир тармоғи сифатида иш бошлаган «Muslimaat.uz» сайти ташкилотчилари қалбида беқиёс ихлос бор. Одинахон Муҳаммад Юсуфнинг тадбирдаги сўзларидан иқтибос келтираман: *«Муслимаат.уз» бугунги ҳолатга ўз-ўзидан келиб қолгани, осонликча эришгани йўқ. Мен шунчаки «раҳбар»ман, холос. Аввало, Аллоҳ таолонинг фазли, қолаверса, бир қанча азиз ва азизаларимизнинг меҳнатлари сингган. Улар хоҳ мутахассис бўлишсин, хоҳ ҳаваскор, ихлос ила хизмат қилишмоқда. Ягона шартимиз ҳам ихлосдир».*

**2. Буюқлар дуоси.** Аллоҳ таоло Қуръони Каримда марҳамат қилади: **«Парвардигорингиз: «Менга дуо қилинглар, Мен сизларга (дуоларингизни) мустажоб қилай», деди. Албатта, Менга ибодат қилишдан кибр қилган кимсалар яқинда тубан ҳолатда жаҳаннамга кирурлар»** (*Ғофир сураси, 60-оят*). Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ҳам биз умматларга Парвардигоримизга дуо қилиш ҳақида таълим бериб айтадилар:

*«Албатта, Раббингиз ҳаёли, саховатли Зотдир. Бандаларидан бири қўл кўтариб дуо қилганида унинг қўл-*

ларини бўш қайтаришдан ҳаё қилади» (Ибн Можа ривояти).

Дуолар «Muslimaat.uz» дарахтини суғориб турадиган оби раҳматдир. Фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг дуои фотиҳалари билан иш бошлаган сайт ўн йил давомида ўн минглаб мухлисларнинг, қолаверса, Қувайт давлат Вақф ва Ислом ишлари вазирининг ўринбосари, Жаҳон Васатия ташкилотининг аъзоси, доктор Одил Фалақ, таниқли ёзувчи Тоҳир Малик ва бошқа буюкларнинг дуоларидан баҳраманд бўлиб келмоқда.

**3. Муслималар учун энг биринчи сайт.** «Биринчи» деганда фақат ташкил этилган сана эмас, балки сифати назарда тутилмоқда. Сайт билан бирга ижтимоий тармоқлардаги саҳифа ва каналларига боқсангиз, бунга гувоҳ бўласиз. Фейсбукда 5000 кузатувчи, телеграмм тармоғидаги каналда 13 минг фолловер... Сайтнинг ўзига кунига икки-уч минг ташриф кузатилади. (Манба: <http://rating.openstat.com/site/2188627>).

**4. Ҳамжиҳат ва ишчан жамоа.** Илмли, маърифатли, ҳам диний, ҳам дунёвий масалаларда зиёли аёллар раҳбар Одинахон Муҳаммад Юсуф бошчилигида шундай хайрли ишларни амалга ошириб келаётган экан, демак, уларнинг малакаси, бир-бирини англаб, тушуниб ишлаши аҳилликларидан дарак.

**5. Ишончли манба.** Динда адашган ҳамма нарсада адашади. Шу сабабдан диний тарғиботнинг тўғри ва ишончилиги муҳим масала. Биргина нотўғри маълумот ёки ёлғон хабар ортидан қанча одам гуноҳкор бўлиши, неча шахслар, ҳатто миллат ва уммат тақдири умуман бошқа изга тушиб ке-

тиши мумкин. Айниқса, бу нарса миллатни тарбияловчи аёлларга тааллуқли бўлса. «Muslimaat.uz» бу маънода зиммасидаги масъулиятни тўлиқ ҳис этади. Сайт муслималар ишонадиган, ҳаққоний маълумот оладиган, яқинларига «Муслимаат»дан ўқидим» деб дадил айта оладиган манбадир. Чунки бирон маълумот жойлашдан аввал, албатта, бир неча бор текширилади, мутахассислар назаридан ўтказилади. Бу материалларнинг ишончилигини таъминлайди.

**6. Материаллар ҳаммабоп, ранг-баранг ва мазмунли.** Сайт бошқа манбалардан кўчириб босиш эмас, кўпроқ эксклюзив материаллар билан контентни бойитиш йўлидан боради. Шу сабабли «Muslimaat.uz»да ҳали ҳеч қаерда чиқмаган маълумотлар, мақолалар, аудио ва тасвирли материалларни топиш мумкин. Сайтдаги маълумотларнинг 60 фоиздан ортиғи муаллифлик ишларидир. Уларни тайёрлаш учун моддий-техник база ҳам, кадрлар ҳам етарли. Шу пайтгача «Muslimaat.uz»да 300 дан ортиқ турли мавзудаги мақолалар эълон қилинган бўлиб, булар жами 900 бетлик китоб ҳажмига тенгдир.

**7. Интерактивлик.** «Muslimaat.uz» маълумотлар базасида 6000 дан ортиқ савол-жавоблар бор. Демак, шунча одам мурожаат қилган ва мурожаатига жавоб топган. 6000 киши – бу 6 катта мактаб ёки университет дегани! Мурожаатлар нафақат саволлар шаклида, балки турли таклифлар, ҳатто, илтимослар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Сайт шу пайтгача муаммосига ечим излаб мурожаат қилган муслималарга баҳоли қудрат ёрдам бериб келмоқда.

**8. Эътироф.** «Muslimaat.uz» чегара билмас ҳудуддир. Уни нафақат Ўзбекистон, бутун дунёда кузатиб

борадилар. Таниқли юртдошларимиз, хориждаги мухлислар ҳамда ҳамкорлардан йўлланган табриклар, мактублар буни исботлади. Сайтнинг 10 йиллик анжуманида Ўзбекистон бош муфтийси Усмонхон Алимовнинг рафиқаси Адолат Алимова, Тошкент шаҳар бош отинойиси Дилбар Отабоева, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг аёллари – Фотимахон Исмоил Маҳдум қизи сўзга чиқиб, буни эътироф этдилар.

но бор) ўзбек тилидаги ушбу электрон журнал ҳам ўзига хос юқори мавқе ва рейтингга эга. Унда кўтарилаётган диний, ижтимоий ва маиший масалалар чуқур таҳлили, маълумотларга бойлиги билан муслималарнинг электрон кутубхонасидан муносиб ўрин эгаллайди. Уни олиб юриш ҳам, ўқиш ҳам осон: бирон смартфон ёки планшет хотирасида сақлаш, исталган пайтда мурожаат этиш мумкин.



**9. «Омина» журнали.** Дунёда электрон журналлар кўп, уларнинг рейтинглари вақти-вақти билан обрўли сайтларда эълон қилинади. Ҳатто муслималар либосларига бағишланган журналларнинг оммавийлик ва машҳурликда «Elle», «Vogue» каби нашрлардан ўзиб кетгани ҳақида хабарлар тарқалиб туради. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг волидалари Омина онамиз номларига очилган (бунда ҳам ўзига яраша рамзий маъ-

**10. Аллоҳнинг розилиги.** «Муслимаат»чилар бу маррага эришдилар дейишга ҳали эрта. Аммо бу буюк мақсаддир. «muslimaat.uz» тижорий лойиҳа эмас, унинг ортидан бирор моддий манфаат кўриш илинжи ҳам, имкони ҳам йўқ. Барчаси Аллоҳ йўлида, унинг розилиги учун қилиняпти. Дуода бўлайлик, азизлар, токи бу жамоанинг маърифат ҳамда Ислом йўлидаги савобли, машаққатли ишларини Яратганнинг ўзи қўлласин!

**Шаҳноза ТўРАХЎЖАЕВА**



MUSLIMAAT.UZ 10 YOSHDA

2017 йил октябрь ойида «islom.uz» портали қошидаги «muslimaat.uz» аёл-қизлар сайти ўзининг 10 ёшга тўлгани муносабати билан катта анжуман уюштирди. Ушбу байрамона тадбирга бир қанча ташкилотлардан, оммавий ахборот воситаларидан, қолаверса, чет элдан азиз меҳмонлар ташриф буюришди.

Тадбирда «muslimaat.uz» сайтининг тарихи, бугунги фаолияти, ўн йил мобайнида амалга оширган ишлари ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берилди ҳамда ушбу хайрли ишларнинг бошида турган фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ва бошқа фидойи ходимлар ҳаққига дуои хайрлар қилинди.

Анжуманда «muslimaat.uz» сайтининг раҳбари олима Одинахон Муҳаммад Юсуф сўзга чиқиб, жамиятда аёлнинг ўрни ҳақида, шунингдек, сайт фаолияти тўғрисида сўзлади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон мусулмонлар идораси бош муфтийси Усмонхон Алимовнинг рафиқалари Адолатхон Алимова, Тошкент шаҳри бош отинойиси Дилбархон Отабоева, шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад

Юсуф ҳазратларининг аёллари Фотима Исмоил Махдум қизи, Россия Федерациясидан ташриф буюрган меҳмон – «Аль-Васатия» Ислом илмий-маърифий маркази вакили Наталья Бариева ва бошқалар ҳам нутқ сўзлаб, ўз ҳислари ва фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Байрам тадбирида сайт фаолиятини ёритувчи шеърлар, видео роликлар ҳамда ўз илмий-маърифий фаолиятлари билан танилган машҳур шахсларнинг табриклари йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Тадбир давомида шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг фарзандти аржуманди, хайрли ишларининг муносиб давомчиси, «Ҳилол-нашр» нашриёт-матбаасининг ва «Islom.uz» порталининг раҳбари Исмоил Муҳаммад Юсуф нутқ сўзлади ҳамда «muslimaat.uz» сайти ходимларига ўз совғаларини топширди. «muslimaat.uz» ҳам келганларга ажойиб эсдалик совғаларини улашди ҳамда сайт фаолиятида жонбозлик кўрсатаётганларга ўз ташаккурномаларини топширди.

**Зухраҳон ҲАМДАМОВА**

## «МУСЛИМААТ.УЗ» ВА «АЛ-ВАСАТИЯ»

### Ҳамкорлик самаралари

Кўплаб хайрли ишларнинг асосчиси бўлган раҳматли Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимахуллоҳ «Муслимаат.уз» аёл-қизлар сайти ва «Омина» электрон журналининг фаолиятга ҳам бош-қош бўлганлари барчамизга маълум. «Муслимаат.уз» тез орада етакчи сайтлар қаторидан ўрин олиш билан бирга, халқаро алоқаларни ҳам ривожлантира борди. Шайх ҳазратлари Россия Федерацияси «Ал-Васатия» илмий-маърифий марказининг ҳам тамал тошини қўйган инсон сифатида тан олинади. Марказ «Муслимаат.уз» сайти билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилади. Унинг қошидаги «Аиша» аёл-қизлар клуби ва журнали «Муслимаат.уз»дан ҳар томонлама ибрат олишини таъкидлар экан, ўз навбатида, ўзаро ҳамкорликдан кўплаб манфаатлар кўзлангани ҳам айтилади.

«Ал-Васатия» («Мўътадиллик») илмий-маърифий маркази Россия қонунчилиги доирасида, Қувайтдаги Халқаро «Ал-Васатия» маркази билан шартнома асосида иш юритувчи ҳамда Россия Федерациясида умумий дастурларни амалга оширадиган ташкилотдир. Бу марказ Россия адлия идорасида 2010 йилнинг май ойида юридик шахс сифатида қайд қилинган. Қувайтда эса 2011 йил юқори даражада – Қувайт амирининг фармони билан расмийлаштирилган.

#### Марказнинг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат:

– мусулмонлар онгини «ал-васатия» (мўътадиллик, ўртачалик Бақара сураси, 143-оят) тушунчасига қайтариш;

– ҳаётларининг ҳар бир жабҳасида ҳаддан ошиш (радикализм)ни тарк этишга ёрдам бериш;

– шахсий ҳамда ижтимоий ҳаётларида мўътадил йўл тутишни ўргатиш;

– ўзга дин ва дунёқараш вакиллари билан ҳамоҳанг, дўстона, қўшничилик муносабатларида яшашга ундаш.

#### Марказнинг яратилиш тарихи

2009 йил Шимолий Кавказ муфтийлари Қувайтга қилган сафарлари чоғида Қувайт амирига Россияда «Ал-Васатия» марказини очишда ёрдам сўраб мурожаат қилишди.

Шу йилнинг 21 декабрида Қувайт Давлат Исломи ҳамда Вақф ишлари бўйича вазирининг биринчи ўринбосари доктор Одил Абдуллоҳ ал-Фалақ ва Россиянинг Исломи маданияти, фан ва таълимини қўллаб-қувватлаш Фонди ўртасида Россия Федерациясида «Ал-Васатия» марказини очиш ҳақидаги шартнома имзоланди.

2010 йил 24 майда «Ал-Васатия» илмий-маърифий маркази Россия Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилди. Марказни таъсис қилувчи аъзолар сифатида Исломи маданияти, фан ва таълимини қўллаб-қувватлаш Фонди, Қозон шаҳридаги Россия Исломи университети, Доғистон Республикасининг Теология ва Халқаро муносабатлар институти қайд этилди.

2011 йил 11 июлда Қувайт амири Сабоҳ Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳнинг 254-фармони билан ҳукуматга «Ал-Васатия» илмий-маърифий маркази билан ҳамкорлик қилиш ҳамда ишларида керакли ёрдамни кўрсатиш тавсия этилди.

«Ал-Васатия» марказининг васийлик кенгаши раиси ўринбосари этиб Қувайт Давлат Исломи ҳамда Вақф ишлари бўйича вазирининг биринчи ўринбосари доктор Одил Абдуллоҳ ал-Фалақ, васийлик кенгаши раиси бўлиб эса Ҳожаҳмад хожи Қодиров тайинландилар.



### Ал-Васатия мўътадиллик марказининг очилиши сабабчилари. Шайх Ҳожиаҳмад-ҳожид Қодиров, шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, доктор Одил ал-Фалақ

Марказ раҳбари ҳамда раиси Али Вячаслав Сергеевич Полосин, ижрочи раҳбар эса Сергей Юрьевич Зязиндир.

#### Марказнинг аёллар қаноти

Муслималарнинг диний билими ва маърифатини оширишда ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўринларини мустаҳкамлашда марказнинг “Аиша” Халқаро хотин-қизлар клуби ва журнали катта ишларни амалга оширмоқда.

Масалан, Москва шаҳрида бўлиб ўтган Умумроссия муслималари уюшмаларининг иккинчи йиғилиши “Муслима – ҳаёт кўрғони” мавзусига бағишланган эди. Унда Россия Федерациясининг 20 та ҳудудидан муслималар уюшмалари вакиллари қатнашган. Йиғилиш давомида аёлларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг аҳамияти ва мусулмонларни жамият ҳаётида барқарорлаштириш масалалари кўтарилган.

Бошқирдистон Республикасининг Уфа шаҳрида “Ислонда оила мустаҳкамлиги ва келажак авлод тарбиясида аёл кишининг ўрни” ҳамда

“Бугунги кун муслимаси – шахс, оила, жамият” номли Халқаро илмий-амалий конференциялари ўтказилган. Конференция давомида сўзга чиққанлар бугунги кун замондош муслималарнинг жамиятда фаол ўрин эгаллашлари нақадар муҳим экани, раҳмдиллик, кишилар билан ўзаро яхши муносабатлар боғлаш ва албатта, жамиятнинг муҳим бўлаги ҳисобланган оилани асрашда намуна бўла олишлари зарурлиги ҳақида алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Бундан ташқари, “Аиша” Халқаро хотин-қизлар клуби ва журнали ҳар ҳафта аёллар билан мажлислар ташкиллаштиришади. Уларда жамиятнинг турли қатламларидан бўлган аёллар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Мажлис мавзулари ҳар доим янгиланиб борилади ва ҳаётини тажрибага эга бўлган муслима аёллар таклиф қилинади. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бир қаторда, керакли маслаҳатларга ҳам эга бўлишади. Бу каби йиғилишларни ўтказишдан мақсадлари муслималарни жамият ҳаётига бириктириш ва мослашувига кўмаклашишдир.

## 16 | Халқаро алоқалар

Кўзланган мақсадлар, жараёнларни амалга ошириш учун “Ал-Васатия” маркази шу кунгача бир қанча фикҳ, Куръон, тажвид йўналишлари бўйича ўқув курслари очишган ҳамда байрамлар ва сафарларни ҳам уюштириб улгуришган. Хусусан, икки ҳайит байрамлари, мавлид маросимлари, марказ қошида “Қувайт кунлари”нинг ташкил этилиши, Рамазон ойида “Рамазон чодири”нинг очилиши ва унда қатнашиш (айтиб ўтиш жоизки, бу кунларда болажонлар учун ҳам алоҳида байрамлар ташкил этилади), Халқаро “Ҳижоб куни” муносабати билан “Павлопасада рўмоллари” фабрикасига уюштирилган экскурсия ва ҳоказоларни мисол қилиб келтириш мумкин.



“Рамазон чорди”нинг очилиши ва унда қатнашиш

2017 йил 29 мартда Москва шаҳрида шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари хотирасига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Кечага шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг қизлари – Одинахон Муҳаммад Юсуф ташрифи Россия муслималари учун кутилмаган совға бўлди. Учрашувни «Аиша» Халқаро аёллар клуби ташкил қилди. Йиғилиш Халқаро Ислам Ваколатхонаси биносида бўлиб ўтди. Кечада муслималар Шайх ҳазратларининг ҳаёти, ижоди ва асарлари билан яқиндан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар. Иштирокчиларни кутилмаган ажойиб совға кутар эди: Одинахон Муҳаммад Юсуф дастхатлари қўйилган шайх Муҳаммад Юсуф



Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг «Ҳадис ва ҳаёт» тўпламлари туркумидан «Ислам ва иймон» китоби.

\*\*\*

2017 йил 15 октябрь куни «Муслимаат.уз» аёл-қизлар сайтининг 10 ёшга тўлгани муносабати билан бўлиб ўтган тадбирга «Ал-Васатия» Ислам илмий-маърифий марказининг ходимаси Наталья Бариева ҳам ташриф буюрди. Бир неча кунлик ташрифи давомида «Ал-Васатия» маркази ходимаси «Муслимаат.уз» сайти ходималари ва уларнинг иш жараёнлари билан яқиндан танишди. Ўзаро фикр ҳамда мулоҳазалар алмашинуви манфаатли бўлиб, келажакда ўз самарасини беришига ва икки томон ҳамжиҳатликда лойиҳаларни амалга оширишига умид боғланди.



Умумжаҳон ҳижоб куни. Павлопасада рўмоллари фабрикасига экскурсия



# Россиядаги «АЛ-ВАСАТИЯ» илмий-маърифий марказининг табриги

Хурматли Одинахон Муҳаммад Юсуф!

Чексиз хурматимни билдирган ҳолда, Сизга ва яқинларингизга тинчлик-хотиржамлик ҳамда Аллоҳ таолонинг раҳматини тилашга ижозат бергайсиз!

«Ал-Васатия» илмий-маърифий маркази «Аиша» Халқаро аёл-қизлар клуби билан биргаликда Сизни ва «muslimaat.uz» сайти ходимларини 10 йиллик айёмингиз билан муборакбод этади!

Кучингизга куч қўшилиб, имон ҳаловати доимо ахлоқ ва тақво чашимаси бўлиб хизмат қилсин, жамиятимизга манфаати тегадиган ишларни амалга оширишда илҳомлантурсин.

Сизга ва сайтнинг барча ходимларига соғлиқ, бахт, тинчлик ва хотиржамлик тилаймиз!

«Ал-Васатия» ИММ ижрочи раҳбари Зязин С.Ю.



## АХБОРОТ АСРИДА

## АЁЛЛАР



## Шариат ва миллийлик

## нуқтаи назариган таҳлил

**БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИМ**

Ер юзидаги халқ қилинган барча нарсаларни инсонларнинг хизматига буйсундириб қўйган Аллоҳ азза ва жаллага ҳамду саноларимиз бўлсин!

Амалларнинг манфаатлисига чорлаб, зарарлисидан қайтарган Муҳаммад Мустафога салоту саломларимиз бўлсин!

**ИНТЕРНЕТ ҲАЛОЛМИ?**

Яқин йиллар ичида инсонлар ҳаётига интернет шиддат билан кириб келди ва унинг таъсири кун сайин ортмоқда. Шу билан бирга, интернет хизматидан фойдаланиш ҳақидаги баҳс-мунозара ва фикрлар ҳам тўхтаётгани йўқ. Шундай баҳс-мунозаралар қилиш, фикрлар айтиш ҳамда фатво чиқаришлар телевидение каналлари жорий қилинганида, антенналар ишга тушганида ҳам бўлган.

Аммо интернетга эҳтиёж ҳаммада ҳам бир хил эмас. Бу миллат ва юртларга кўра

турлича бўлиши мумкин. Шунингдек, кишилар ундан турли мақсадларда, масалан, илм, касб-ҳунар ривожини ва инсониятга хизмат учун фойдаланадилар. Афсусланарлиси шуки, ёмон мақсадда фойдаланганлар ҳам бисёр.

Аллоҳ таоло инсонни яратиши билан бирга унга ақл, қобилият ва иқтидор берди. Ер юзидаги барча нарсаларни унинг хизмати, фойдаси учун яратиб қўйди. Дастуруламал бўлмиш Қуръони Каримни нозил қилди. Инсоният ҳидояти учун Пайғамбар юборди. Инсонга ақл ҳамда имкониятини ишга солиб, ўзига манфаатли нарсаларни билиб олиш ва ана ўшалардан фойдаланиш, зарарли нарсаларни билиб олиб, улардан четланиш қолди, холос.

Масала янада тушунарли бўлиши учун биргина мисол келтираемиз. Аслида емакларнинг барчаси ҳалолдир, аммо бундан баъзилари зарар экани учун мустасно қилинган: ўлакса, қон, йиртқич ҳайвонлар, тўнғиз кабилар.

Шунингдек, интернет хизматидан фойдаланиш ҳам аслида ҳалолдир, аммо бунда ҳам баъзи чеклов ва шартлар бор. Масалан:

- ✓ интернетни кишининг динига, ақлига, ҳаётига, жонига, ахлоқига зарар келтириш учун ишлатмаслик;

- ✓ жамиятда фасод тарқатиш, турли ихтилоф ва фитналар тарқатишда ишлатмаслик;

- ✓ интернетдан фойдаланишда ғулуга йўл қўймаслик. Яъни ибодатдан, вазифадан, оила ва яқинлар олдидаги бурчдан ва бошқалардан узилиб қолиш мутлақо тўғри бўлмайди;

- ✓ хавфли кишилар билан мулоқотдан четланиш. Шу билан бирга, номаҳрам эркак ва аёл орасидаги мулоқот ҳам шаръий даражада бўлиши;

- ✓ Интернет воситасида тарқатилаётган турли хабарларга ишонавермаслик ва уларни тарқатмаслик. Чунки шариатимиз бундан қаттиқ қайтарган. Шунингдек, ақли етмаган, мутахассислиги бўлмаган маълумотларга ҳам бурун суқмаслик, айниқса, шаръий таълимотларни ўз эгаларига қўйиб бериш лозим.

Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Аммо биз энг муҳимларини келтириш билан кифояландик.

## АЁЛЛАРНИНГ ИНТЕРНЕТДАН ФОЙДАЛАНИШ ШАРТЛАРИ

Интернет ҳақида баҳс кетганида, гап аёл кишининг бу масаладаги ҳуқуқига бориб тақалади. **“Муслима интернет ишлатса бўладими?”** ёки **“Ижтимоий тармоқлардан фойдаланиши ҳукми нима?”** қабилдаги саволлар кўп берилади. Бу борада ҳам бошқа масалалардаги каби, икки чегара бор: ё мутлақ тақиқ, ёки мутлақ эркинлик. Худди муслима илм олиши жоизми, дейилганида: “Муслималар уйдан чиқмасликлари керак, уларга уй ишлари кифоя” ёки “Муслималар бу борада эркаклардан қолишишлари керакмас”, дейилиши каби.

Муслималар ҳам инсон сифатида эркаклар баробарида ўзларига манфаат келтирадиган нарсаларни ишлатишга ҳақлилар. Аммо аёл эканликлари юзасидан бунда

ҳам ўзига яраша мезонлар бор. Мисол қилиб автомобиль ҳайдаш масаласини олишимиз мумкин. Табиий эҳтиёжлардан келиб чиқиб аёл кишига улов миниш учун рухсат берилади, аммо у бу борада эркак каби эркин бўла олмайди. Мисол учун, қуйидаги шартлар билан чекланади:

- ✓ ҳақиқатда улов миниш учун жиддий эҳтиёж бўлиши;

- ✓ валийдан рухсат;

- ✓ ўзини сатрли тутиш, зийнатларини кўрсатмаслик;

- ✓ бемаҳалда ва шубҳали ерларда юрмаслик.

Аёл кишига бундай шартларни жорий қилиш унинг хилқатидан келиб чиққандир. Мантиқан ўйлаб қараганда ҳам, одамзоднинг эркак ва аёлга ажратиб яратилиши бежиз эмас. Чунки ҳар бирининг жинс нуқтаи назаридан ўзига яраша хусусиятлари бор ва мана шунга қараб унга ҳуқуқ берилади, вазифалар юкланади.

Аёл киши табиатан мафтункор бўлгани, эркакларни ўзига тез жалб қила олиши, ўз ўрнида, эркаклар ҳам аёлнинг ҳусни, зийнатидан тез таъсирланишлари ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун фитнадан сақланиш мақсадида бу борада шаръий тақиқлар қўйилган.

Қисқаси, аёл интернетдан фойдаланганида, юқоридаги шартларга қўшиб бошқа шартларга ҳам амал қилиши зарур бўлади.

У ўзининг динига, хулқига, шаънига, ҳаёсига путур етказадиган ҳолатларга сабаб бўлмаслиги керак. Шаръий одобларга амал қилган ҳолда, ўзини имкон қадар сатрли, жиддий тутиб, номаҳрам эркакларнинг эътиборини жалб этмаслиги, интернетни фақат заруратда ишлатиши лозим. Шу билан бирга, интернет унинг ҳаёлига, эр ва фарзандлари олдидаги бурчларини бажаришига тўсиқ бўлмаслиги керак.

Энди ижозатингиз билан юртимиздаги аёлларнинг интернет билан муносабатларига назар ташласак. Бу борада ҳамма аёллар ҳам бир хил эмас. Юртимизнинг баъзи чет ҳудудларида интернет паст ишлаши ёки аёлларимизнинг ўта соддаликлари, интернет ҳақида тушунчалари кам бўлгани сабаб, тармоққа кириш жуда суст. Бошқа аёлларимиз эса бу масалада анча илғор-

лар. Аммо улар кўпчиликни ташкил қилмайди. Аксар аёллар учун интернетга боғланиш имконияти бемалол, аммо қизиқиш йўқлиги ёки уқувсизлик сабаб уни кўпроқ бефойда нарсаларга ишлатадилар. Улар манфаатли илм учун махсус гуруҳларга ёки каналларга аъзо бўлишда “билмасвойлик” қилишади ёки қунт қилишмайди. Баъзилари билимларини кучайтириш, касбларида малака ошириш, хайрли ишларда ишти-

тармоқдаги фаол айрим аёллар ҳар томонлама қолоқликка юз тутадилар ва руҳиятлари бунга дош бера олмайди. Улар ақлан ҳам, руҳан ҳам, илм жиҳатидан ҳам бундай оқимни қаршилашга қодир эмаслар. Минг афсуски, интернетдан фойдалана билиш борасида биз бошқалардан анча ортда қолмоқдамиз.

Шу ўринда яна бир муҳим масала ҳақи-

рок этишдан кўра ҳиссиётли нарсаларга, моддиятга, ўткинчи ҳою ҳавасларга кўпроқ берилишади. Яна баъзи тоифа аёлларнинг интернетни қўллашдан мақсади, ўзларини кўрсатиш бўлиб қолган. Улар имкон қадар ўз хусусиятлари ва васфларини изҳор қилиш (яъни ўзларини кўзкўзлаш) пайида бўладилар. Баъзилар очикча, баъзилар эса сўзлару ишоралар орқали буни амалга оширадилар. Очикча кўрсатиш деганда суратларни қўйиш, турмушлари борасида очик гапириш назарда тутилса, махфийси турли ишоралар (афоризмлар, статуслар, тағмаъноли видеолар, суратлар ва ҳоказо) ёрдамида буни амалга оширишдир. Ҳар икки ҳолат ҳам шариатга тўғри келмайди. Бу ҳам риё, ҳам номахрамлар эътиборини жалб қилишдир. Дуч келган одам уларнинг кундаликларини ўқиши тўғри эмас.

Ахборот технологиялар тараққиёти авж олиб, маълумотлар оқими ортгани сари,

да тўхталмасак бўлмайди. Хоҳ интернет, хоҳ ТВ орқали бўлсин, шиддат билан кириб келаётган маълумотлар оқимини саралаш ёки уларга қарши дарчаю дарвозаларни бекитиб олиш имкониятимиз йўқ. Шундай бўлса-да, танамиздаги дарвоза ва дарчаларни ёпиб олиш имкониятимиз бор-ку. Ҳеч бўлмаганда, мия аталмиш филтърни ишга солишга қодирмиз-ку, ахир! Энг катта муаммомиз ҳам шунда бўлиб қолди. Диний ва миллий ўзига хослигимизни ҳисобга олмай, бўлган-бўлмаган нарсаларни бепарҳез қабул қилаверишимиз, онгсиз ҳолда уларга тақлид қилаверишимиз жуда кўп нохушликларни келтирмоқда. Нафақат ёшларимиз, балки анча улғайиб қолган аёлларимиз ҳам хорижий ҳаёт тарзидан таъсирланмоқдалар. Ўз ҳаётларига, жуфтларига қониқмай, 2-3 та фарзанди ҳам кўзига кўринмай, турмушини бузиб юбораётганлар кам эмас.

Оқ либос кийиб эр остонасига қадам



қўйганига 3-4 ой тўлмай, ота уйига қайтиб келаётган келинларга нима дейсиз? Уларнинг онглари диний билим, миллий одатлар, ўзбекона одоб-ахлоқ билан эмас, енгил-елпи севги қиссаларию бемаза хаёллар, ўткинчи орзу-ҳаваслар билан тўлиб бормоқда.

Бизга диндош бўлмаган ҳинд ёки корейс халқидан нимани ибрат олишимиз мумкин? Шариатними? Одобними? Эркак-аёл муносабатиними?

Мусулмон бўлса-да, туркларнинг ҳам миллий тутумларимизга тўғри келмайдиган жиҳатлари бор. Уларнинг ҳаёт тарзлари бизни кўп ҳам ўхшамайди. Улар эркинликда, сўз айтиш, тасарруф қилиш, дил изҳорлари ва бошқаларда бизга қараганда анча дадиллар.

Шу ўринда яна бир масалани айтиб ўтишни мақсадга мувофиқ, деб биламан. Ўзбекчиликка тўғри келмайдиган мавзуларни кўтариб чиқиб, ток-шоу қилиш ҳам бизга муносиб эмас. На динимизда, на урфимизда ҳамма нарсани кўчага олиб чи-

қиб фoш қилиш йўқ. Ўзгаларнинг, айниқса, оила сирини яшириш шариатимизда қаттиқ уқдирилган.

Кўпинча бундай кўрсатувлардан кейин хулоса ҳам қилинмайди, ечим ҳам берилмайди, “хулоса ўзингизга ҳавола” дея гўёки кенгфеъллик (аслида калтабинлик) намоён этилади. Бу эса бебошликка йўл очишдан бошқа нарса эмас. Ахир, экранга, омма олдига бир масалани, воқеани олиб чиқишдан мақсадмуддао бўлиши керак-ку. “Шов-шув қилмоқчи эдик, холос” дея олмай, хулосани томошабинга ҳавола қилиш орқали ўз ғаразларини хаспўшлаш жуда уят, оқибати эса хатарлидир.

Мазкур мулоҳазалардан келиб чиқиб, ҳар бир нарсага шариатимиз ва миллийлигимиз нуқтаи назаридан ёндашишни, ахборотни саралаб, ўйлаб қабул қилишни маслаҳат берамиз.

**Одинахон Муҳаммад Юсуф**



# БОРАМАН...

Имкон бер, узилай қарзлардан,  
Қутулай ғавғолар, дардлардан.  
Лутфинг-ла кўмилиб фарзларга,  
Суннатни суйдириб бо-раман.

Ўзимни ахтариб ўзимдан,  
Кўролсам қатра нур юзимда.  
Жолалар тинмайин кўзимдан –  
Гуноҳим куйдириб бо-раман.

Енголмай қийналдим лаъинни –  
Кўрмадим унингдек хоинни.  
Қай бир кун ўлмоғим тайин-ку!?.  
Нафсни бўйсундириб бо-раман.

“Ўзингдан келгандим, Ўзингга”,  
Кирсам ҳар буйруғинг, сўзингга.  
Қайтмоғим ҳақ эрур изимга –  
Қалбимни кўндириб бо-раман.

Бўлолмам Жаннатнинг райҳони,  
Очилса Жаннатинг Раййони!..  
Рўзадор, тавбакор дилимга  
Ўзингни суйдириб бо-раман.

Учраган ғовларни йўқ этиб,  
Юракни Ишқ билан чўғ этиб,  
Дийдоринг ғамида оҳ ютиб –  
Бағирни ўйдириб бо-раман.

Орзую армонни боғлатиб,  
Шум нафсни тавбада доғлатиб,  
Ҳавои нафсимни йиғлатиб,  
Кўнглимни кулдириб бо-раман.

Хузури Олийга пок ҳолда,  
Ғамингга яқолар чок ҳолда,  
Минг ўлиб-ўлмаган жисмимга  
Кафанлик кийдириб бо-раман.

Синовлар кўп эрур йўлимда,  
Ҳар қадам ўнгимда, сўлимда.  
Қотиллик гуноҳдир, лек-аммо  
Кибрни ўлдириб бо-раман.

Ҳеч вақо йўқ эрур қўлимда,  
Имону калима тилимда.  
Фитналар ин қурган дилимга  
МУҲАББАТ тўлдириб бо-раман...

Гулбаҳор АБДУЛЛОҲ





# Мадинага қўйсам қадам

2017 йилнинг 17 декабрида «muslimaat.uz» сайти томонидан ўтказилган Мавлиди шариф анжуманига Одинахон Муҳаммад Юсуф қаламига мансуб «Мадинага қўйсам қадам» номли бадиа асос қилиб олинди ва сайт ходимлари ижросида меҳмонларга ҳавола этилди. Анжуман меҳмонлари ушбу бадиани ниҳоятда яхши кутиб олишди. Ҳатто «Мени умрага олиб бориб келдингиз, раҳмат, Одинахон!» деганлар ҳам бўлди.

Дарҳақиқат, муаллифа мазкур бадиада хаёлан саодат асрига қайтиб, ўз соғинчларини, муножотларини, дуоларини, ички кечинмалари ва қалб сўзларини, бугунги кун ҳақидаги ўйларини гўзал ифодалаган. Шунингдек, Ислом тарихидан, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратларидан, саҳобалар ҳаётида содир бўлган ибратли воқеа-ҳодисалардан айрим лавҳаларни ўзгача бир талқинда акс эттирган.

Бадиа билан танишар экансиз, саодат асрининг саодатли кишиларига замондош бўлиб қолишни, улар билан бир тану бир жон бўлиб яшашни, ҳатто молу жонингизни фидо қилишни истаб, беихтиёр кўзингизга ёш инади.

Бадиани ўқиб, сизнинг ҳам ўз динингиз учун, Расулингиз учун, Роббингиз учун жон фидо айлаб, улкан ишларни амалга оширингиз келса ажаб эмас, азиз ўқувчи...

Одинахон Муҳаммад Юсуф

## Мадинага кўйсам қадам...

Учоқ манзилга ина бошларкан, кўзим тўлиб, ойнадан пастга қардим. Юрагим қафасдаги қушдек питирлай бошлади.

Оҳ, Мадина... Тобора ҳаяжоним ортиб борарди. Нега ортмасин?! Ахир биз муборак ерларга келдик-ку! Иброҳим алайҳиссалом Маккани ҳарам қилганларидек, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Мадинани ҳарам қилганлар-ку! Наҳотки, бизнинг қадамларимиз шундай азиз ерларга етгани чин бўлса?! Унда қон тўкилмас, силоҳ кўтарилмас. Дарахти кесилмас, ўт-ўлани юлинмас, ови чўчитилмас. Унинг йўлларида фаришталар бор. Улар Мадинага Дажжолни киритмаслар.

Кимки Мадинага ҳийла қилишни истаса ёки ёмонликни ирода қилса, туз

сувда эригандек эриб кетар. У ёмон одамларни босқондек кетказур, яхшиларини мусаффо қилур. Мадинага иймон худди илон инига киргандек кирур.

Ё Ясриб! Хурмозорлари менга Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг «Тушимда Маккадан хурмоли ерга ҳижрат қилганимни кўрдим. Хаёлим Ямома ёки Ҳажарга кетди. Қарасам, у Мадина экан», деган муборак сўзларини эслатди.

Эй Тоба! Биз сени севамиз. Чунки Набийимиз соллalloҳу алайҳи васаллам сенинг муҳаббатингни сўраб дуо қилганлар.

Эй Тоба! Биз сени ўзлаб келдик. Чунки сенинг бағрингда маҳбубимиз соллalloҳу алайҳи васаллам борлар.

«Хоттул ҳижра» (ҳижрат йўли) бўйлаб борарканмиз, Набийимиз соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳижрат қилиб келишлари, у зотни муштоқ бўлиб кутаётган Мадина аҳли кўз ўнгимда гавдалана бошлади. Ҳарра, шифтлар, дарахтлар устунни, кўчаларни тўлдириб, интиқ бўлган мусулмонлар кўз олдимга келди. Мен ҳам худди ана шундай муштоқлик ила Ҳаром масжиди томон йўл олдим. Мен ҳам ансорлар каби аланглаб, у зотни қидира бошладим.

Яшил қуббани кўрганимда висол онлари етиб келганини ҳис қилиб, дарҳол Роббимга ҳамд айтдим. Яшил қубба мисоли Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг ридолари каби туюлди менга. У кунда ҳазрати Абу Бакр ридолари билан Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни қуёшдан тўсган эдилар. Бугун эса яшил қубба билан тўсиб тургандек гўё. Бугун ҳам у зотнинг живорларида биргалар.

Ҳижрат қилиб келган кунлари инсонлар у зотни кўриш учун келганлари





каби мен ҳам дийдорга ошиқмоқдаман. Усманийлар султони Маҳмуд иккинчи қурдирган бу қубба ўз остида башариятнинг энг афзалини, набийларнинг хотами, икки дунё сарварини, Аллоҳнинг ҳабиби, оламларга раҳмат бўлиб келган Пайғамбарни, ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни яширган.

**Ассалому алайкум, эй Аллоҳнинг Расули!**

**Салом берар эканман, Аллоҳ сизга руҳингизни қайтаришини ва саломимга алик олишингизни умид қилдим.**

Салавот айтар эканман, «Қаерда бўлсангиз ҳам, сизнинг салавотингиз менга етади», деган ваъдангизни эсладим.

Сизни зиёрат қилар эканман, менга шафоатингиз вожиб бўлишини орзуладим.

Сизни Мадинада, савоб умидида зиёрат қилдик, иншааллоҳ, қиёмат куни биз ёнингизда бўлайлик, сиз эса шафоатчимиз бўлинг, илоҳо!

«Ким ўлимимдан кейин зиёрат қилса, худди тириклигимда зиёрат қилгандек

бўлади», дегансиз. Ё Роббим, шундай бўлсин! Шундай бўлсин!

Субҳаналлоҳ! Асли Суҳайб ва Саҳл исмли икки етимнинг хурмо хирмони ўрнида бугунги кунда шунчалар катта масжид бино бўлмиш. Бу масжиднинг тарихини эслар эканмиз, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг манзил танлаган туяларини ёдга олмай бўлмас. Масжид бино бўлишида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни енг шимариб ишга тушганлари, ғишт ташиганларини эсламасликнинг ҳам иложи йўқ. Ушанда у зот шундай байтларни айтган эдилар:

«Бу юклар Хайбар юкларидек эмасдир,

Эй Роббимиз, бу яхшироқ ва покроқдир».


У зот яна:

«Аллоҳим! Ажр охират ажридир, Ансору муҳожирларга раҳм қил!» дер эдилар.

**Бу масжидда ўқилган бир рақъат намазнинг савоби минг рақъатга тенгдир.**

Шу сабаб имкон қадар кўпроқ намоз ўқиш пайида бўлдик.





Бирдан азон саси кела бошлади:

«Аллоҳу акбар! Аллоҳу акбар!»

Ё ҳазрати Билол! Сизни эсламай бўладими?! Ё ҳазрати Абдуллоҳ! Розияллоҳу анҳумо!

Масжидда намозга интизор бўлиб ўтирганлар худди Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳужраи саодатларидан чиқиб, намозга ўтиб беришларини кутаётган саҳобаларга ўхшашади.

Бомдод намози. Имом Бақара сурасининг охирини зам қилмоқда. Тиловат қилинаётган оятлар таъсири юракларнинг туб-тубига етиб бормоқда. Кўзлардан шашқатор бўлиб ёш оқмоқда.

Беихтиёр яна саодат асрига қайта-миз.

لِلّٰهِ مَا فِي السَّمٰوٰتِ وَمَا فِي الْاَرْضِ وَاِنْ تُبْدُوْا مَا فِيْ اَنْفُسِكُمْ اَوْ تَخْفَوْهُ يَحْسِبْكُمْ بِهٖ اللّٰهُ فَيَعْفُوْ لِمَنْ يَّشَاءُ وَيُعَذِّبُ مَنْ يَّشَاءُ وَاللّٰهُ عَلٰى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيْرٌ

«Осмонлару ердаги нарсалар Аллоҳникидир. Агар ичингиздаги нарсани ошкор қилсангиз ҳам ёки махфий қилсангиз ҳам, Аллоҳ у билан сизни ҳисоб-китоб қилади. Бас, кимни хоҳласа, мағфират қилар ва кимни хоҳласа, азоблар. Ва Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир» (Бақара сураси, 284-оят).

Ушбу оят нозил бўлганида саҳобаларга оғир кўриниб кетди. Мана, улар

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларига келиб, тиз чўкиб ўтириб: «Биз бунга чидай олмаимиз», дейишмоқда. Сарвари олам уларни икки китоб аҳлига ўхшамасликка ва: «Эшитдик ва итоат қилдик. Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир», дейишга чорламоқдалар. Саҳобалар шундай деганларидан сўнг келаси оятлар нозил бўлмоқда.

اٰمَنْ الرَّسُوْلُ بِمَا اَنْزَلَ اِلَيْهِ مِنْ رَّبِّهِ وَالْمُؤْمِنُوْنَ كُلُّ اٰمَنْ بِاللّٰهِ وَمَلٰئِكَتِهٖ وَكُتُبِهٖ وَرُسُلِهٖ لَا نَفْرَقُ بَيْنَ اَحَدٍ مِّنْ رُّسُلِهٖ وَقَالُوْا سَمِعْنَا وَاَطَعْنَا غُفْرَانَكَ رَبَّنَا وَاِلَيْكَ الْمَصِيْرُ

«Расул унга ўз Роббидан нозил қилган нарсага иймон келтирди ва мўминлар ҳам. Ҳар бирлари Аллоҳга, Унинг фаришталарига, китобларига, расулларига иймон келтирдилар ва: «Унинг расулларидан бирорталарини ажратмаймиз. Ва эшитдик ва итоат қилдик, Роббимиз, мағфиратингни сўраймиз ва қайтиб бориш Сенгадир», дедилар» (Бақара сураси, 285-оят).

لَا يَكْفُرُ اللّٰهُ نَفْسًا اِلَّا وُسْعَهَا لَهَا مَا كَسَبَتْ وَعَلَيْهَا مَا اٰكْتَسَبَتْ رَبَّنَا لَا تُوْاْجِدُنَا اِنْ نُّسِيْنَا اَوْ اٰخَطَاْنَا رَبَّنَا وَلَا نَحْمِلْ عَلَيْنَا اِصْرًا كَمَا حَمَلْتَهُ عَلٰى الَّذِيْنَ مِنْ قَبْلِنَا رَبَّنَا وَلَا تُحْمَلُنَا مَا لَا طٰقَةَ لَنَا بِهٖ وَاَعْفُ عَنَّا وَاغْفِرْ لَنَا وَاَرْحَمْنَا اَنْتَ مَوْلَانَا فَانصُرْنَا عَلٰى الْقَوْمِ الْكَٰفِرِيْنَ

«Аллоҳ ҳеч бир жонга тоқатидан ташқари нарсани юклаган. Қилган яхши иши фойдасига, қилган ёмон иши зарарига. «Роббимиз, агар унутсак ёки хато қилсак, (иқобга) тутмагин. Роббимиз, биздан олдингиларга юклаганинга ўхшаш оғирликни бизга юклагин. Роббимиз, бизга тоқатимиз етмайдиган нарсани юклагин. Бизни афв эт, мағфират қил ва раҳм эт. Сен Хожамизсан. Бас, кофир қавмларга бизни ғолиб қил» (Бақара сураси, 286-оят).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга Аллоҳ таоло Ўз Арши остидаги хазинасидан ато этган мазкур икки

оятга сомеъ бўлар эканман, у зот алай-ҳиссаломнинг масжидларида намоз ўқиш бахтига, саодат асрининг саодатли зотлари яшаб ўтган муборак жойларга қадамларимни етказган Зот – Аллоҳ таолога яна бир бор ҳамд айтдим. Аллоҳумма солли ʼала Муҳаммад ва ʼала оли Муҳаммад. Ё Расулulloҳ, салому салавотларимизни қабул айланг!

**Масжидда ва кўчаларда ўраниб юрган аёлларга назар солар эканман, Оиша розияллоҳу анҳо: «Аллоҳ биринчи муҳожира аёлларга раҳм қилсин. Аллоҳ «Рўмолларини кўксиларига тўсиб юрсинлар» оятини нозил қилганида қалин миртларини йиртиб, улар билан ўрандилар», деяётгандеклар гўё.**

Масжидда, намоз пайтида болажонларни кўрганимда, уларнинг йиғисини эшитганимда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг набираларини кўтариб намоз ўқиганлари кўз олдимда гавдаланади. Муаттар қўллари билан ёш болаларнинг юзларини, бошларини силаганларини ўйлаб, у зотга тақлид қила бошлайман.

Душанба ва пайшанба кунлари масжидда ифторлик пайтида хурмо билан қаҳва тарқатилар экан. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳунинг ҳадисларини эслаб, юзимга табассум югуради:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хурмо тақсим қилдилар. Ҳар бир кишига етти донадан хурмо бердилар. Менга ҳам еттита бердилар. Биттаси сифатсиз эди. У тишимга ёпишиб қолди. Уларнинг ичида мен учун ўшанисидан маҳбуброғи йўқ эди».

Оҳ Мадина! Нақадар баракотли юртсан! Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сенга, сенинг соъ ва мудингга барака тилаб дуо қилганлар.

Мана, «Жаннатул Бақиъ» рўпарасида турибман. Бу ерга қанчадан-қанча мўътабар зотлар дафн қилинган.

«Ассаламу алайкум, даро қавмин муъминийн. Инна иншааллоҳу бикум лаҳиқуун. Насъалуллоҳа лана ва лакумул ʼаафийаҳ» («Ассалому алайкум, эй мўмин қавмлар диёри! Албатта,

биз, Аллоҳ хоҳласа, сизларга етишувчимиз. Аллоҳдан ўзимизга ва сизларга офият сўраймиз»).

Мадинаи Мунавварада зиёрат қилинадиган ва ушбу зиёратлар учун кўплаб ажру савоблар ато этиладиган бир нечта муборак ерлар бор. Ана шулардан бири Уҳуд тоғидир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Уҳуд бизга муҳаббат қилган ва биз унга муҳаббат қилган тоғдир», дея марҳамат қилганлар.

Эй Уҳуд! Мана, зиёратингга ҳам етиб келдик. Сенинг номинг сийрати мутаҳҳарадаги энг буюк жанглардан бирига берилмиш. Сен ўша шиддатли кун шоҳидсан.

**Уҳуд ҳодисаси мен учун ўзига хос аҳамиятга эга. Ҳар сафар у ҳақда ўқир эканман, мени ажойиб ҳис-туйғулар қуршаб олади. У кунда содир бўлган воқеа-ҳодисалардан қаттиқ таъсирланаман. Гарчи бу жанг мусулмонларнинг мағлубияти билан якун топган бўлса-да, унда вафо, садоқат, шижоат, қаҳрамонлик, фидокорлик, чин муҳаббатнинг гўзал намуналари бор. Шунингдек, мусулмон уммати ўзи учун ундан улкан дарс олади.**





Ухудга назар солар эканман, ўзимни жанг майдонида тасаввур қилдим.

Ана, сарвари коинот қўш совутда келмоқдалар. Ўнг томонларида Зубайр ибн Аввом, чап томонларида Мунзир ибн Амр розияллоху анҳумо. Байроқни эса Мусъаб ибн Умайр розияллоху анҳу кўтариб олганлар.

Мусулмонлар мана шу тоққа орқаларини қилиб жойлашмоқдалар. Улар етти юз кишидан иборат бўлиб, ичларида элликта отлиқ, элликта камончилар бор эди.

Расулимиз соллаллоху алайҳи васаллам камончи аскарларни тепаликка жойлаштирар эканлар: «Агар қушлар келиб, аскарларни олиб қочаётганини кўрсангиз ҳам, жойингизни тарк этманг», деб тайинламоқдалар.

Абу Дужона, Талха, Ҳамза, Али, Назр, Саъд розияллоху анҳум каби паҳлавон саҳобалар мушрикларга қарши аёвсиз курашмоқдалар. Ана, мусулмонлар зафар кучмоқдалар! Мушрикларнинг енгилиб қочаётганини кўрган камончилар буйруққа хилоф қилиб, «Ўлжа! Ўлжа!» дея турган жойларини тарк этмоқдалар. Бирдан Ухуд ортидан пистирмада турган Холид ибн Валид бошчилигидаги душман лашка-

ри бостириб келди! Мусулмонлар қуршовда қолишди...

Эй Аллоҳ! Шаҳидлар сони кўпаймоқда!

Эй Роббим!

Суюкли Ҳабибимизга азият етди! У зот соллаллоху алайҳи васаллам Абу Омир Фосиқ қазиган чуқурга тушиб кетдилар. Муборак бошлари ёрилди! Ёноқлари жароҳатланди! Муборак тишларидан биттаси синди!

Ё Парвардигор! «У зот соллаллоху алайҳи васаллам ҳалок бўлдилар!»

**Ё Парвардигор! У зот соллаллоху алайҳи васаллам ҳалок бўлдилар!**

деган хабар тарқалди. Мусулмонлар заифлашдилар. Кўпчилик қоча бошладди. Шунда Анас ибн Назр розияллоху анҳу: «У зотдан кейин дунёда яшаб нима қиласизлар?! Туринглар! Расулulloх алайҳиссалом жон берган нарса йўлида сизлар ҳам жон беринглар!» дедилар.

Йўқ-йўқ, ана у зот! У зот тириклар!

Ҳабибимизни ҳимоя қилаётган саҳобалардан бир нечталари ҳалок бўлдилар, яна бир қанчалари жароҳат олдилар...

Хаёлларим оғушида бир неча дақиқа саодат асрида яшадим-у, бир сонияда ортга қайтдим...

Қани эди, мен ҳам ана шу буюк инсонлар билан бирга яшаган, у зот учун жон фидо қилган бўлсайдим! Қурбонингиз бўлай, эй Аллоҳнинг Расули!

Жанг тугаб, шаҳидлар дафн қилинмоқда. Ҳар бир муборак жасад соҳиби жон таслим қилган ерга кўмилиши ҳақида амр бўлди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир қабрга бири-бирига муҳаббат қилган икки кишини қўйишга буйруқ бердилар. Нақадар таъсирли ҳолат! Муҳаббатнинг нақадар гўзал намунаси!

Ҳазрати Мусъаб! Маккада фароғатли ҳаёт кечирар эдингиз. Ҳамма ҳавас билан боқадиган задагон йигит эдингиз. Энди эса либосингиз жасадингизни тўлиқ ёпишга ҳам етмаяпти.

Аллоҳнинг шери, ҳазрати Ҳамза! Расулulloҳ кўзларида ёш ила тепангизга келиб: «Сенинг мусибатингдек мусибатга учрамасам керак», дея ниҳоятда маҳзун бўлмоқдалар. Дафн ишлари битгач, шаҳидлар учун жаноза намози ўқишмоқдалар.

Мана, шаҳидлар саййиди бўлмиш ҳазрати Ҳамза дафн этилган қабрнинг ўнгида турибмиз.

Ассалому алайкум, эй шаҳидлар саййиди! Ассалому алайкум, Уҳуд шаҳидлари!

Кейин эса Қубо масжидига бордик. Аллоҳ таоло Тавба сурасида бу масжиднинг тақво асосида қурилганини айтади:

لَمَسْجِدٍ أُسِّسَ عَلَى التَّقْوَىٰ مِنْ أَوَّلِ يَوْمٍ أَحَقُّ أَنْ تَقُومَ فِيهِ

«Албатта, биринчи кундан тақво асосида қурилган масжид унда туришинг учун ҳақлидир» (108-оят).

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келишлари билан Бану Амр ибн Авфга тушиб, илк кундаёқ Қубони – тақво асосидаги масжид биносини бошламоқдалар.

Йиллар ўтиб, Табук ғазотидан қайтаётиб, Қубо ёнида Ислом душманлари томонидан қурилган «Зирор» масжидини бузиш учун одам юбордилар.



Бу ерларга қадам қўяр эканман, ёнгиндан кейинги аччиқ тутун ва кейинчалик унинг ўрнини тўлдирган ахлатхонанинг қўланса ҳиди димоғимга урилгандек бўлди...

Қубога яқинлашмоқдамиз. Беихтиёр Ҳабибимиз Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар шанба бу ерга пиёда келиб, уловда қайтишларини эсладим.

## «Қубо масжидидаги намоз худди умра кабидир»,

деган сўзлари сабаб кириб, унда намоз ўқидик. Аллоҳ таоло Ўз даргоҳида қабул айлаган бўлсин.



Мана «Қиблатайн» – «Икки қибла» масжиди. Хаёлим яна Ҳабибимизга кетди. Гоҳ-гоҳида осмонга термулиб, қибланинг Мақдис томондан Каъба томонга ўзгартирилишини кутмоқдалар. Айнан мана шу масжидда аср намозини ўқиб турганларида қибланинг Каъба томон қаратилгани ҳақида оят нозил бўлди...

قَدْ نَرَى تَقَلُّبَ وَجْهِكَ فِي السَّمَاءِ فَلَنُوَلِّيَنَّكَ قِبْلَةً تَرْضَاهَا  
فَوَلِّ وَجْهَكَ شَطْرَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ

«Гоҳо юзингнинг осмонга тез-тез қайрилганини кўрурмиз. Бас, албатта, сени ўзинг рози бўлган қиблага бурурмиз. Юзингни Масжидул Ҳаром томон бур» (Бақара сураси, 144-оят.)

Энди «Етти масжид»ни зиёрат қилиш навбати келди. Яна сийратга қайтамыз. Бу ерлар бизга Ҳандақ кунини эслатади. Унинг яна бир номи «Аҳзоб» урушидир.

Мадина аҳли учун бундан ҳам хатарлироқ кун бўлмаган бўлса керак. Турли кофир ва мушрик қабилалари бирлашиб, мусулмонларни томири билан йўқ қилиш мақсадида Ясрибга бостириб келмоқдалар. Салмон Форсий розияллоҳу анхунинг маслаҳатларига кўра, Мадина атрофида арабларга ёт бўлмиш ҳандақ – чуқур қазилмоқда.

Вазият ўта кескин. Ана, Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неч-

та намозни қазо қилиб, бунинг учун душманларни дуоибад қилмоқдалар. Бир томонда у зоти бобаракот, бир томонда ҳазрати Салмон, яна бирида ҳазрати Абу Бакр, бошқасида ҳазрати Умар, яна бирида ҳазрати Али, яна бир томонда Фотима, яна бошқасида яна бирлари жойларидан қимир этмасдан, жамоалари ила ўта зийраклик ва ҳушёрлик билан Мадинани кўримоқдалар. Мана шу жойларнинг ҳар бири кичик масжидларга айланиб, бугунги кунда «Етти масжид» дея аталур.

Аллоҳ таолонинг Ҳабибига салоту саломларимиз, саҳобаи киромларга У Зотнинг розилиги бўлсин. Зиёратларимизни мақбул айласин! Омин.

\* \* \*

Кўз очиб-юмгунча сафаримиз ҳам қариди. Бир зумда юртга қайтадиган пайтимиз ҳам келди. Мадинага тўймадим. Ул зотнинг дийдорларига тўймадим. Энди қандай қилиб Ҳабибимиз билан хайрлашаман? Қандай қилиб Мадина билан видолашаман?

Равза томон сўнги бор назар солар эканман, кўз ўнгимдан тасвир тасмаси айлана бошлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳужраи саодатларининг пардасини кўтариб, сўнги бор биз умматла-

рига назар солиб турибдилар. Бизларга табассум қияптилар. Юзлари худди Мусҳаф саҳифасига ўхшаш. Бирдан парда тушди... Ул зот Оиша онамизнинг кўксиларига бош қўйиб...

Шу онда муборак жасадингиз устига келиб, пешонангиздан бўса олган ҳазрати Абу Бакрнинг шуурини англадим. Вужудимда вафотингизга ишонгиси келмасдан «Ким Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни ўлди, деса, калласини оламан!» дея қилич кўтариб юрган ҳазрати Умарнинг дард-аламларини ҳис қилдим. «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ ва ашҳаду анна...» деб туриб, исмингизни айта олмай, тили бўғзига тикилган, сиздан кейин Мадинада тура олмаган ҳазрати Билолнинг ҳижронларини ҳис қилдим. Соғинч аламидан ҳазрати Савбон каби кўз ёш тўқдим. Ҳазрати Савод каби фироқ ғамига ботдим.

Айрилиқда ҳам ажиб бир ҳикмат бор. Ҳижронсиз муҳаббат комил бўлмас. Фироқ маҳбубни янада қадрли қилур. Жудолик ишқни зиёда этур. Ишқ кучайган сари маҳбубга интилиш янади ортар.

Эй Ҳабибим! Мен ҳузурингизга юрагим ғаму ғуссаларга тўлиб келгандим. Дунёнинг жабру жафоларидан ҳасрат қилмоқ ниятим бор эди. Умматингиз ҳолидан шикоят қилгим бор эди. Юракдаги дардларимни тўкиб солсам, қалбимни бўшатсам, дегандим. Аммо сиз билан, саҳобаларингиз билан кечирган ушбу уч кун менга бутун дарду аламимни унуттирди. Яшаб турган дунёим ва унинг муаммоларини ёдимдан чиқарди. Бу уч кун мен гўёки саодат асрида яшадим. Бу зиёратимдан мажруҳ кўнглим анча таскин топди, сизнинг дийдорингиз дардларимга малҳам бўлди. Энди қандай қилиб яна ўз дунёимга қайтаман?!

Эй Аллоҳнинг Набийси! Сизнинг олдингизда умматингиз аҳволидан жуда хижолатдаман. Жоним сизга фидо бўлсин, мени ҳам, умматингизни ҳам афв этинг, узримизни қабул қилинг! Биз сизга лойиқ уммат бўла олмаяпмиз...

Эй Роббим! Нақадар карамли Зотсан! Бизни мусулмонлардан қилганинг учун

Сенга ҳамд бўлсин! Ислом учун, иймон учун ҳамд бўлсин! Бизни Ҳабибинг умматидан қилганинг учун ҳамд бўлсин. Қалбларимизни Ўзинг ва Расулингга бўлган муҳаббат ила тўлдирганинг учун ҳамд бўлсин! Макка ва Мадина юртларини муборак этганинг, уларни бизга маҳбуб қилганинг учун Сенга ҳамд бўлсин! Биз ожиз бандаларингга шундай юртларнинг зиёратини насиб этганинг учун ҳамд бўлсин!

Эй Парвардигор! Ўзингнинг ишқингда, Расулуллоҳнинг ишқларида, Макка ва Мадинанинг ишқиде куйган ҳар бир банданга мана шундай муборак зиёратни, зиёрат бўлганда ҳам, мақбул зиёратни насиб айла! Ўзинг рози бўладиган, даргоҳингда қабул бўладиган ибодатларга муваффақ қил!

Ўзингни танишимизда, Расулингни танишимизда, дин ва сийратни билишимизда сабабчи бўлганларга, аввало Аллоҳнинг Набийси Муҳаммадга энг афзал салоту саломларимиз бўлсин! У зотнинг оли байтларига, саҳобаи киромларига Ўзингнинг розилигинг бўлсин! Барча уламоларга, хусусан, сийрат олимларига Ўзингнинг раҳматинг ва беҳисоб ажру савобларинг бўлсин!

Эй Аллоҳ! Эй Мужиб! Уммати Муҳаммадияга инсофу тавфиқ бер, гуноҳларини мағфират қил, уларни рушду ҳидоятга бошла! Бизни ул зотга муносиб уммат қил. Саҳобалар каби Ўзингга, Расулингга, динингга итоатда бўлишимизни насиб айла!

Илоҳо, барчамизни қиёмат куни Сарвари олам байроқлари остида тўпланадиган, ул зотнинг фахрланишларига лойиқ умматлардан қил!

Миск бўйли муборак қўлларидан Кавсар сувини ичишни, шафоатларига мушарраф бўлишни насиб эт!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмай туриб, ул зотга иймон келтирган, ул зотга муҳаббат қилган барча бандаларингни Ўзинг сийлагин!

Аллоҳумма солли васаллим ва барикъала саййидина Муҳаммадин ва ʼала алайҳи вардо ан асҳабиҳи ажмаъин!



# Муслималар

## билан доимо бирга

**“Шодликни улашсангиз, кўпаяди, қайғуни улашсангиз, камаяди”, дейди машойихлар. Аёллар эса – ҳамдардлик ва ғамхўрликка эш хилқат. Шу маънода “muslimaat.uz” сайти ўз муштарийлари, мухлисларига яқинлашиб, улар билан дилдан суҳбатдош бўлиш, қийнаётган муаммоларига биргаликда ечим излаш, ҳамиша мадад кўлини чўзиш, аёлларни ўзаро уюштириш ва ҳамжиҳат қилишни биринчи навбатдаги вазифаларидан деб билади. Сайтимизда фаолият юритаётган иккита интерактив тармоқ айти вазифаларни амалга оширишга қаратилган. Қуйида улар фаолияти билан танишасиз.**

### Муслималар форуми

Бугунги кун ҳаётини онлайн алоқаларсиз тасаввур қилиш қийин. Facebook, Twitter каби ижтимоий тармоқлар тобора оммалашиб бораётган асримизда муслима опасингилларимиз, ҳаёли дугоналаримиз учун ҳам ўзига хос онлайн мулоқот маскани зарурий эҳтиёждир. Форумимизнинг асосий моҳияти айнан шу ғояни акс эттиради.

“Muslimaat.uz” қошида фаолият олиб боровчи “Муслималар форуми” 2006 йилда ташкил этилган. 2017 йил март ойида эса фойдаланувчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда форум алоҳида сайт сифатида ажралиб чиқди ва техник томондан тўла янгиланди.

Таъкидлаганимиздек, форумнинг асосий ўзига хослиги фақат аёл-қизлар учун мўлжалланганидир. Фойдаланувчилар

аёллар билан боғлиқ барча масалаларда фикр алмашиб, тажриба ўрганадилар. Уларнинг аксари мулоқот давомида яқин дугоналарга айланиб улгурганлар.

Аъзоларнинг асосий қисми форумимизни илм манбаи деб билади. Зеро, унда ақоид, фикҳ ва тазкия каби диний илмлардан тортиб, чет тиллари-ю бугунги куннинг турли долзарб масалаларига оид мавзуларни топишингиз мумкин. Доимий равишда янги, қизиқарли мақолалар қўйилиб, турли савол-жавоблар бўлиб туради.

Энг фойдали ва қизиқарли лойиҳаларимиздан бири «Биргаликда китоб ўқиймиз» бўлиб, унда иштирокчилар билан китоб танлаймиз. Маълум муддат уни биргаликда ўқиймиз, сўнгра фикр алмашиб, савол-жавоблар қиламиз.



## Muslimalar forumi

Nabiy sollallohu alayhi vasallam: «Ilm talab qilish har bir muslim va muslima zimmasiga farzdir», - dedilar. Imom Ahmad va Ibn Moja rivoyat qilishgan.

Qo'llanma (Ro'yxatdan o'tish)

FAQ

Izlash

Texnik yordam

AYOLLARNI RUHAN VA MA'NAN QO'LLAB-QUVVATLASH



**Ko'mak**  
online vaqfi

FACEBOOK - YORDAM SAHIFASI



MUSLIMALAR FORUMI  
FACEBOOKDAGI  
YORDAM SAHIFASI

AVVALGI FORUM

**ARXIV**

Asosiy sahifa / Forum sahifalari ro'yxati

Hozirgi vaqt: 27 fel 2018, 10:54

FORUMDAN FOYDALANISH QOIDALARI

СТАТИСТИКА

SO'NGGI POST

Айни пайтда шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг «Тафсири Ҳилол» китоблари мутолааси давом этмоқда.

«Чет тиллари» бўлимида эса инглиз, араб ва рус тилларига оид фойдали маълумотлар қўйиб борилади, тил билган опа-сингилларимиз бу борада жонбозлик кўрсатадилар.

Шубҳасиз, форум аҳли учун энг қизиқарли жараёнлардан бири мунтазам равишда уюштириб бориладиган танловлардир. Мавлид (Рабиъул аввал) ва рўза (Рамазон) ойларида махсус мусобақалар ташкил қилиниб, устозимиз Одинахон Муҳаммад Юсуф томонидан муносиб тақдирланадилар. Шу билан бирга фойдаланувчилар ташаббуслари билан ҳар жума ҳабибимиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловот айтиш, душанба ва пайшанба кунлари истиғфор айтиш мусобақалари бўлиб туради.

Тўхтовсиз давом этиб келаётган Қуръон хатмлари ҳам илмга чанқоқ опа-сингилларимизнинг ташаббусидир.

Форумдаги алоҳида аҳамиятга молик лойиҳалардан бири устозимиз бошчилигида ташкил этилган «Кўмак онлайн вақфи»-дир.

2016 йилда ўз фаолиятини бошлаган мазкур вақф жамиятдаги аёлларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда уларни руҳан

ва маънан қўллаб-қувватлаш, керак бўлса, зарурий мутахассис маслаҳатлари билан таъминлаш мақсадида йўлга қўйилган.

«Бугунга келиб аёллар орасида оилавий муаммолар тобора ошиб бораётгани ҳаммага маълум. Бизга аёлларимиз тарафидан шикоят ёки маслаҳат сўраб, муаммоларга ечим излаб битилган номалар деярли ҳар куни келади. Маълум бўлишича ҳозирги шароитда уларнинг моддий ёрдамдан кўра маънавий мададга эҳтиёжлари катта. Мазкур ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда бир хайрли ишга қўл урдик», деган эди устозимиз бу борада. Айни пайтда ушбу вақфда тажрибали опа-сингилларимиз мутахассислар билан биргаликда кўмакка муҳтож аёлларга қимматли маслаҳатлари ила ёрдам бермоқдалар.

Бундан ташқари, онажонлар учун фарзанд тарбиясида асқатадиган мақолалар, болалар билан кундалик шуғулланиш учун машғулотлар, бирга ўқиш учун китоблар рўйхати, уй бекаларига рўзғор ишларида керакли маслаҳатлар, пазандалик, тикувчилик, тўқувчилик ва қўл меҳнати сирлари учун ажратилган алоҳида бўлим ҳамда мавзулар мавжуд.

Мўъжазгина масканимиз тўғрисида сўзлаб бермоқчи бўлганимиз шулар эди. Сиз опа-сингилларимизни ҳам форумга таклиф қилиб қоламиз.

*forum.muslimaat.uz маъмурияти*

# ДИНДА САВОЛИМ БОР

Устозимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳнинг халқимиз учун қолдирган энг катта илмий меросларидан бири ушбу савол-жавоб саҳифасидир. Бу саҳифа муслима аёлларимизга мўлжалланган диний сайтлар ичида энг фаоллиги, тилининг халқчиллиги ва асосийси, муслималарга манфаатлилиги билан алоҳида эътиборга сазовор.

2013 йилдан ўз фаолиятини бошлаган савол-жавоблар саҳифаси дастлаб икки – “Динда саволим бор” ҳамда “Шифокор маслаҳати” бўлимларидан иборат бўлган. Кейинчалик фойдаланувчилардан фикҳ ва тиббиётга оид масалалардан ташқари фарзандлар тарбияси, уларнинг руҳий ҳолати ҳақида кўплаб саволлар кела бошлади. Уларга соҳанинг мутахассислари томонидан жавоб берилишини таъминлаш мақсадида хизматлар бўлимининг йўналиши яна иккитага кўпайтирилиб, “Рухшунос маслаҳати” ва “Педагог маслаҳати” бўлимлари ишга туширилган.

“Динда саволим бор” бўлимида Куръони Карим, фикҳ, ақоид ва бошқа диний масалалар бўйича саволларга жавоб берилса, “Шифокор маслаҳати” бўлимида аёллар ва болаларнинг саломатликларига доир муаммолар, замонавий тиббиёт билан фикҳнинг туташган нуқталари бўйича савол-жавоблар бериб борилади. Сайт мухлислари “Педагог маслаҳати” рукнида фарзандлар тарбияси, уларнинг билим олиши борасида ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб оладилар.

“Рухшунос маслаҳати” бўлими ишга туширилиши билан фойдаланувчилар томонидан руҳиятга доир кўплаб саволлар юборилди. Саволлар асосан аёллар томонидан берилади ва уларнинг турмушдаги қийинчиликлари, оила аъзолари билан муносабатлари, фарзандларининг руҳий ҳолати, қўрқув, ваҳима, ишонч, иккиланиш, асабийлик каби мавзуларни ўз ичига олади.

“Savollar.muslimaat.uz” сайтининг яна бир афзаллиги «Шахсий савол бериш» хизматининг йўлга қўйилганидир. Жамиятнинг нозик хилқати ҳисобланмиш аёлларда баъзида шундай ҳолатлар бўладики, муаммоларини фақат мутахассиснинг ўзига холи тарзда айтиб, ечим топишни исташадди. Мазкур хизмат бундай вазиятлар учун айтилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, сайтимиз мухлислари орасида нафақат Республикамиз, балки кўшни давлатларнинг фуқаролари ҳам кўп. Улар-да саволларига айнан диний ҳамда замонавий билимга эга мутахассисларнинг жавоби кераклигини маълум қиладилар.

Сайтга келган саволлар сони 2500 га етгач, 2017 йил 27 майда (ҳижрий 1438 йил Рамазон ойининг 1-куни) фойдаланувчиларга янада қулайлик яратиш ҳамда “muslimaat.uz” сайтининг ишлаш тезлигини ошириш мақсадида савол-жавоблар бўлими алоҳида сайт сифатида ажралиб чиқди. “Savollar.muslimaat.uz” номи остида ишга туширилган мазкур сайтга архивдаги савол-жавоблар ҳам кўчирилиб, «излаш» хизмати орқали уларни осон топиш имкони яратилди. Саҳифа тўрт йўналишда ишлашда давом этди. Қисқа фурсат ичида рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони 800 дан, умумий постлар сони 6000 дан ошди.

Бундан ташқари, рўйхатдан ўтмаган меҳмонлар ҳам савол-жавобларни мунтазам кузатиб борадилар. Жумладан, “Savollar.muslimaat.uz” сайтга бир кунда 200 га яқин фойдаланувчилар ташриф буюрадилар. Аёлларимиз ҳар жабҳада ривожланиши, хоҳ диний, хоҳ дунёвий илм бўлсин, мустаҳкам эгаллаши ва керакли саволларига жавоб олиши учун ушбу саҳифа имконият эшиги сифатида фаолият юргизса, ажаб эмас. Сайтнинг ва сайт ходимларининг олдиларига қўйган асосий мақсадлари ҳам шу.

*Азиза Жалолитдинова тайёрлади*

## Вояга етмай вафот этган болалар ҳақида

Савол. Устоз, балоғатга етмасдан вафот этган болалар ҳақида Қуръон тиловат қилинадими (чунки ҳадислардан билишимча, балоғатга етмай вафот этган болалар жаннатда бўлар экан)? Кеча 1,5 ойлик жияним вафот этган эди, қабрига бориб билганимча Қуръон тиловат қилсам бўладими?

Жавоб. Қилинмайди.

(Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

## Ҳагис шарҳи

Савол. Ассалому алайкум! «Сизларга ўзларинга ўхшаганлар учрайди», деган маънода ҳадис борми?

Жавоб. Ва алайкум ассалом! Сиз айтган маънодаги ҳадисни билмайман. Лекин Қуръонда Нур сурасининг 26-оятида қуйидагича баён қилинади:

الْحَبِيثَاتُ لِلْحَبِيثِينَ وَالْحَبِيثُونَ لِلْحَبِيثَاتِ وَالطَّيِّبَاتُ لِلطَّيِّبِينَ وَالطَّيِّبُونَ لِلطَّيِّبَاتِ أُولَئِكَ مُبَرَّءُونَ مِمَّا يَقُولُونَ لَهُمْ مَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ ﴿٢٦﴾

«Нопок хотинлар нопок эркаклар учундир. Нопок эркаклар нопок хотинлар учундир. Покиза аёллар покиза эркаклар учундир. Покиза эркаклар покиза аёллар учундир. Ана ўшалар у (бўхтончи)лар айтаётган нарсалардан поклангандирлар. Уларга мағфират ва гўзал ризқ бордир».

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло исломий жамият ҳаётидаги муҳим бир асосни баён қилмоқда. У ҳам бўлса, нопок қалблар ўзларига ўхшаган нопоклар билан топишиши, ўз навбатида, пок қалблар ўзидек покиза қалблар билан топишиб бирлашишидир. Асли нопок инсондан доимо нопоклик содир бўлади. У ўзига ўхшаган нопокларни ёқтиради, улар билан топишади, доим бирга бўлади. Лекин пок кишиларга қўшила олмайди. Шунингдек, пок одам ҳам доимо поклик билан яшайди. Пок кишиларни қидиради, топади, бирга бўлади. Эру хотин бўлишда ҳам шу. Пок хотинга пок эр, нопок хотинга нопок. Агар нопок билан пок бирлашиб қолса, бу ҳамдамлик узоққа бормади.

(Одинахон Муҳаммад Юсуф)

## Жуда зарур!

Савол. Ассалому алайкум! Тўй куни келинни унинг рухсатисиз меҳмонлар расмга олиши жоизми?

Жавоб. Ва алайкум ассалом!

Жуда ҳам долзарб масалани кўтарибсиз. Анчадан бери шу ҳақида ёзиш ниятида юргандим. Бунақа масалаларда бошқаларнинг кўнглига қаралмайди. Келинчаклар никоҳ тўйида ниҳоятда гўзал бўлиб кетишади. Гўзаллигини номаҳрам кўзлардан беркининг, сатр қилинг. Аллоҳ бахтли қилсин сизни!

(Одинахон Муҳаммад Юсуф)



## Сийрат ибратдур

*Ҳабибимиз мусибатларга, озорларга қандай сабр қилган эдилар? Дин йўлида, инсониятга яхшилик тақдим қилиш йўлида қанчалар саъй-ҳаракатлар қилган эдилар? Қандай камтарона ҳаёт кечирган эдилар? Биз нима қилмоқдамиз? Ушбу саволлар бугун уммати Муҳаммадияни тарбия қилаётган ҳар бир аёлнинг юрагини ёндириб турмоғи керак. Қуйида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сийратлари биз аёллар учун нақадар аҳамиятли экани борасида айрим мулоҳазалар билан ўртоқлашишни лозим топдим.*

### **Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.**

Бандаларига Ўз Расулини раҳмат қилиб юборган Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога ҳамду санолар бўлсин! Биз мусулмонларга ҳар иш ва ҳар сўзда гўзал ўртак бўлган ҳазрати Муҳаммадга салому саломлар бўлсин!

Аллоҳ таолонинг ризосини, Ҳабибимиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шафоатларини умид қилиб ҳамда азиз устозимиз Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг бошлаган хайрли ишларини давом эттириш ниятида ушбу мақоламизни ёзар эканмиз, унинг боши хайр, ўртаси барака ва хитоми миск бўлишини Парвардигордан сўраймиз.

Сийратни яхши билмоқ жуда муҳимдир. Буни уламоларимиз қаттиқ таъкидлашади. Бошқа илмларни ўрганишда, Қуръон ва суннатни тўғри фаҳмлашда ҳам сийратнинг аҳамия-

ти катта. Бунга мисол қилиб уламоларимиз аёл кишининг Исломдаги ўрни масаласини келтиришади.

Агар аёл бирон сабаб билан ҳадидан ошиб, эрига қарши бош кўтаришгача борса, Қуръони Каримда уни енгил уришга амр қилинган. Шунингдек, ҳадиси шарифда ҳам бунинг зикри келган. Уламоларимиз уриш қай даражада бўлишини баён қилиб берганлар.

Аммо Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларидан бирортасини урганмилар!? Ҳаттоки, ифк ҳодисасида ҳам аёлларга қаттиқ тегмаганлар.

Сийратни билиш ҳозирги алғовдалғов ҳаётимизда ҳам жуда зарурдир. Ҳар бир мўмин-мўмина очиқ қалб ва уйғоқ ҳислар ила сийратни бир бошдан ўқиб чиқмоғи лозим. Ўша саодат асри билан ҳозирги ҳаётни солиштириш керак. Расулulloҳ



лоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни ёдга олиб ўзимизни ҳам тартибга солиб олишимиз зарур.

Мусибатларга, озорларга қандай сабр қилган эдилар? Дин йўлида, инсониятга яхшилик тақдим қилиш йўлида қанчалар саъй-ҳаракатлар қилган эдилар? Қандай камтарона ҳаёт кечирган эдилар? Биз нима қилмоқдамиз?

Шунингдек, саҳобалар розияллоҳу анҳумоларнинг ҳаётларини ўрганишимиз керак. Айниқса, саҳобиялар ҳаётини, ҳар бирининг шахсини яхши билмоғимиз зарур.

– Ким биринчи бўлиб Исломига кирди?

– Ким биринчи бўлиб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни тасдиқлади?

– Ким даъват машаққатларида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан елкама-елка турди?

– Мушриклар У зот соллаллоҳу алайҳи васалламга озор берганида, ким ҳимоя қилди?

– Ким Аллоҳ таолонинг розилиги йўлида ҳижрат қилди?

– Байъат қилганлар орасида қайси аёлларимиз бор эди? (Нусайба бинту Каъб ва Асмо бинту Амр ибн Адий)

– Ким биринчилардан бўлиб шаҳид бўлди?

– Қайси аёлларимиз Мадина томон йўл олдилар?

– Қайси аёлларимиз жангда иштирок этдилар? (Улардан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни

ҳимоя қилиб яраланганлари ҳам бор. Масалан, Умму Умора Нусайба бинту Каъб Мозиния).

– Асадуллоҳ – Аллоҳ таолонинг шери шаҳид бўлганида, сингиллари Софиянинг мавқифи қандай бўлди?

Илм бобидаги фаолиятларини-ку айтиб адо қилиб бўлмайди. Қуръон ҳофизалари, ҳадис ривояти, фикҳ ва бошқа илмларда аёлларнинг тутган ўринлари машҳурдир.

Уларнинг илм мажлисига ҳарис бўлишгани, динда саволлар беришгани маълумдир. Аллоҳга ва Унинг Расулига бўлган итоатлари-чи?

Биз ҳозирда мана шу ўрнаклардан ибрат олишга қанчалик эҳтиёжмандмиз?

Биз оналарнинг қўлларимизда ёш авлод, уммати Муҳаммадия улфайиб келмоқда. Уларга намуна қилиб аллақандай асоссиз эртақ қаҳрамонларини (Робин Гут, Гарри Поттер, Жумонг) эмас, ҳар бири оламга татигулик саҳобийларимизнинг шахсиятларини гавдалантиришимиз керак. Уларнинг беғубор қалбларига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббат уруғларини сочишимиз лозим. Мана шунинг учун ҳам биз сийратни яхши билайлик.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзи рози бўладиган ҳаётга муваффақ айласин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муносиб уммат бўлайлик. У зоти шарифнинг шафоатлари насиб қилсин. Қўлларимизда омонат бўлган авлоднинг тарбиясида яхши натижаларга эришайлик!

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

**Одинахон Муҳаммад Юсуф**

# «ЖОНИМ МЕНДА ЧИДАСА, ТУРСИН!»

*ёхуд  
ихлос аҳлининг  
фалсафаси*



Марҳабо Каримова

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Ассалому алайкум, «Омина» журналининг азиз мухлисалари!

Ушбу сонимизда эътиборингизга халқона, ҳаётий шеърлари билан аёл-қизларимиз қалбидан чуқур жой олиб улгурган шоирамиз Марҳабо Каримованинг ёш қизларимизга, келинларимизга, дилбар аёлларимизга фойдали тавсияларини беришни лозим топдик. Ўйлаймизки, дилдан суҳбат асносида айтилган ушбу фикр-мулоҳазалар ва маслаҳатлар «Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё!» нақлига амал қилгувчи ўқувчиларимиз учун фойдадан холи бўлмайди. Шунингдек, шоиранинг ажойиб ва латиф шеърлари ҳам журналимиз саҳифалари орқали қанот қоқиб, хонадонингизга ташриф буюради. Марҳамат, кутиб олинг!

– Ассалому алайкум, Марҳабо опа. Шоирлар кўп, шеърлар ундан кўп, мухлис-лар эса ундан ҳам кўп. Аммо шунча одам ичидан мухлис қозониш ҳамма шоирларга, шеърят даъвогарларига ҳам насиб этавермайди! Сизнингча, шеърларингиз айнан нима сабаб халқ томонидан севиб тингланади?

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Ва алайкум ассалом!

Аслида бу саволингизга жавоб беролмайман. Чунки халқона ёзаётган шоир, шоиралар кўп. Менинг ожизона ёзганларимни кимдир севиб ўқиётган бўлса, бу фақат Аллоҳнинг лутфидан, деб биламан. Аллоҳ Ўзи менга ёзишни илҳом қилиб, мухлисларимнинг кўнглига яқин қилиб, суйдириб қўйганидан...

– «Омина» ҳам ўз мухлисаларига эга электрон журнал. Унинг ўқувчилари фақат бекалар эмаслигини биласиз. Ўзбек қизлари, аёллари, онахонларига «Омина» минбаридан туриб нималарни тавсия қиласиз?

– Бутун дунёда танқис нарса ОДОБ бўлиб қолди... Одобни қайси манбадан ўрганишни биламиз. Дунё ва охираш ишларимиз учун одобни ўрганишимиз лозим, ҳаёни, одобни эса бизга Қуръони Карим ҳамда Ҳадиси шарифлардан сўнг барча исломий-диний адабиётлар ўргатади.

Энг билмаганимизда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ини ўқишимиз керак бўлади. Бу роман бизни юксак одоб ҳамда ўзбекона маданият билан таништира олади.

Шу ўринда, Юнус Эмронинг ажойиб бир шеърини эсламай ўтолмайман:

Бир инсонда бўлмаса, ҳаё ила одоб,  
Ўқиса, олим бўлса, яна маркаб, яна маркаб!..

– Бугун, шу кеча-кундузда сизни мамнун қиладиган ишлар борми?

– Албатта, бор. Президентимиз томонидан халқнинг илму маърифат калити бўлмиш мутолаага даъват қилинаётгани энг қувонтирадиган ҳолдир.

Саодат асрига қайтиб, ўша даврдаги адолатли ҳаётни эслайдиган бўлсак, шундай гўзал бир манбага дуч келамиз: «Ҳазрат Умар халифалик қилган даврларида халққа қарата ушбу сўзларни айтганлар: «Агар бир эчки Фирот дарёсига тушиб, ўладиган бўлса, жавобини Умар беради!..»

Гоҳо Президентимиз олиб бораётган сиёсатни кузатиб туриб, ўйга толаман: «У киши Ҳазрат Умарнинг юқоридаги сўзларини ўқиган бўлишлари керак».

Қуръони Каримда шундай ояти карима келади: «Билганлар билан билмаганлар баробар бўлурми?..»

Бундан ташқари, ноҳақ қамалганларнинг жазодан озод этилиши ҳамда адашиш оқибатида қамалганларнинг афв этилишлари бунга мисол, деб айта оламан. Хато йўлга кириб қолиб, ота-онасининг юзини қора, қаддини дол қилган фарзандларнинг юртбоши томонидан кечирилиб, ҳаётга, озодликка чиқарилиши қадди эгик ота-оналарнинг қаддини тиклашга бўлган ҳаракатдир, эзгуликдир, деб биламан.

– Мутолаа ҳақида ҳам икки оғиз сўз айтинг?

– Инсон бу дунёда бахтга, ютуқларга 80 фоиз билим орқали эришади, дея оламан. Улуғбек мадрасасининг пештоқиға шундай ибратли даъват битилган экан: «Бир соатлик илм мажлиси етмиш йиллик нафл ибодатдан яхшироқдир». Маъмун Академиясининг эшиги тепасига эса: «Дунёда биттагина эзгулик бор, бу – илм. Биттагина ёвузлик бор, бу – жаҳолатдир!» деб ёзилган экан.

Энди илм ўрганиш масаласига келсак, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан танлаб,

## 40 | “Омина” меҳмони

саҳиҳ, энг тўғри бўлганини топиб, кейин ўрганилади. Айнан илм олаётганда бепарволик, эътиборсизлик бўлгани учун қанча-қанча ёшларимиз, болаларимиз алданиб қолганини ҳаммамиз яхши биламиз.

Илм аёлу эркакка теппа-тенг то бешикдан қабргача фарз қилингани шундан. Аслида, илм ўрганиш ҳар бир кишининг ҳаётида биринчи, ҳеч бўлмаганда учинчи ўринда туриши керак!

Бугунги кунда йигирманчи ўринга тушиб қолгани ҳеч кимга сир эмас.

– Ижодингизда ўзингиз энг ёқтирган шеър қайси ва унинг ёзилиш тарихи?

– Бир сиҳатгоҳга дам олгани борсам, мендан олдин у ерда Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳимаҳуллоҳнинг оталари Муҳаммад Юсуф қори даволаниб кетган эканлар. Дўхтир йигит айтдики: «Ҳожи она, худди шу ерда Ҳазратнинг дадалари даволаниб кетгандилар». Мен у киши ҳақларида билгим келаверганидан йигитни саволга кўмиб ташладим: «Илтимос, болажоним, улар ҳақларида менга билган нарсаларингизни айтиб беринг?»

«У киши тунда жудаям кўп намоз ўқирканлар», деди йигит.

Албатта, бу йигит ўша тунги намознинг таҳажжуд эканини билмагандир.

«Мен у кишига: «Қори дада, беморсиз, узоқ намоз ўқиманг», десам, асли жуда камгап инсон эканликларидан бир оғизгина жавоб бердилар: «Жоним менда чида-

са, турсин!» Мен дўхтир йигитнинг ушбу ҳикоясидан қаттиқ таъсирландим ва шеър қилиб ёзишга аҳд қилдим.

Ижодимда ўзим ёқтирадиган ва ёзилиш тарихи ҳам жуда ажойиб, ибратли бўлган ушбу шеър «Ихлос аҳлининг фалсафаси» деб номланган. Шеърни биринчи ёзаётганимда: «Қори дада ҳар тун 20-30 ракатдан нафл намоз ўқиган бўлсалар керак», дея ўйладим. Аммо ўзимча «ҳиммат қилиб» 50 ракат деб ёздим. Чунки менда «100 ракат деб ёзсам, ўқувчи ишонмаслиги мумкин», деган хижолат бор эди...

Биласиз, ҳар доим китобларим дастлаб кичик-кичик тўплам ҳолида чоп этилади. Кейин уч-тўрт кичик тўпламимга охири ёзилган янги шеърларим кўшилиб, катта китоб бўлиб босилади. Кейинги босилаётганида мен шеърнинг 50 ракат деган ерини: «Қори Дада ҳар тун 100 ракат намоз ўқирдилар», дея ўзгартирдим. Аниқроғи, тўғрилаб кўйдим. Чунки Ҳазратнинг укалари Муҳаммад Амин Муҳаммад Юсуф домланинг Ҳазрат раҳимаҳуллоҳ ҳақларидаги хотира китобида Қори даданинг ҳар тун 100–150 ракат нафл намоз ўқишлари ҳақида ўқиб қолдим.

Қаранг, мен ҳиммат қилиб, 50 ракат деб ёзганимда ҳам Қори даданинг ҳимматларига етолмаган эканман!..

Мана шу шеър мен учун ижодимда энг қимматли ҳисобланади.

Шайх Муҳаммад Содик  
Муҳаммад Юсуфнинг оталари  
Муҳаммад Юсуф қори Дада





## ИХЛОС АҲЛИНИНГ ФАЛСАФАСИ

(Шайх Муҳаммад Соғиқ Муҳаммад Юсуфнинг оталари  
Муҳаммад Юсуф қори Дада ҳақида)

Сихатгоҳга олиб келдилар  
Саксон ёшли қори дадани.  
Юрак хаста, тиззалар қадоқ,  
Оғрир эди тамом бадани.

Шошиб қолди шифокор йигит,  
Муолажа ёзди, албатта.  
Шошади-да, шундай олимни  
Кўрмоқ ўзи бахт эди катта.

Ҳар соатда оларди хабар  
Беморидан шифокор йигит.  
Ҳар ишидан топарди ҳикмат,  
Ҳар сўзидан оларди ўғит.

Тунда кўрса, хоналарида  
Тик турдилар инқиллаб бироз.  
Такбир айтиб, қоматин тиклаб,  
Бошладилар таҳажжуд намоз.

Комил иймон, эътиқод ила,  
Руку, сажда бенуқсон, мумтоз.  
Шу ҳолатда ҳар куни тунда  
Ўқирканлар юз ракат намоз.

Энди билди шифокор йигит  
Тиззадаги қадоқлар сирин.  
Аммо у ёш, қандай тушунсин  
Аллоҳга боғланмоқ сурурин?

Дўхтир йигит деди ичида:  
«Бемор ҳаддин билиши керак.  
Шунча ёшда шунча меҳнатдан  
Чарчайди-да, ҳар қандай юрак».

У бир куни: «Жон қори дада,  
Нафл намоз ўқиманг, деди.  
Жонингизга жабр қиялпсиз,  
Ҳолдан кетиб қоласиз энди.

Фақат фарзни ўқинг, ўтириб».  
Қори дада деди: «Майли-я!  
Мен томондан бундайин қуллик  
Ярашарми Роббим шаънига?

Оддий бошлиғингиз олдида  
«Туринг!» деса, турасиз сиз ҳам.  
Ва буюрган юмушларини  
Бажармоқчи бўласиз бекам.

Бир иш берган бошлиғингизга  
Сизда шунча эътиқод, мана.  
Ўтирволиб роз айтаманми  
Яратиб, ризқ берган Роббимга?

«Эгил», деганида эгилиб,  
«Тур», деганда туриб турмайми?  
«Юрма» деган йўлдан тийилиб,  
«Юр», дегандан юриб турмайми?

Фарз амаллар қарзим у Ҳаққа,  
Муҳаббатим кўрсатмоқ учун.  
Нафл ҳам шарт, ўзимга Унинг  
Муҳаббатин уйғотмоқ учун».

Дўхтир деди: «Жон керакмасми?  
Ётинг, юрак бир хилда урсин».  
Қори дада деди: «Тек қўйинг,  
Жоним менда чидаса, турсин!»

– Машааллоҳ, жуда гўзал! Аллоҳ таоло қаламингизга, умрингизга, ҳар бир нафасингизга бароқатлар берсин! Мухлис-мухлисаларингиз ҳамда халқимиз бахтига соғ-омон бўлинг!

*Гулбаҳор АБДУЛЛОҲ суҳбатлашди.*



## ФАРЗАНДЛАР ЖАННАТ

# РАЙҲОНЛАРИДИР

Ўз китобида Закариё алайҳиссаломнинг тилидан ҳикоя қилиб: «Роббим, менга ўз хузурингдан солиҳ зурриёт бер, албатта сен дуоларни эшитгувчисан», деган, бизга жуфтларимиз ва зурриётларимизни ато этган Аллоҳга беадад ҳамду-санолар бўлсин. Ҳадиси шарифларида: «Жаннатда кишининг даражаси кўтарилади. Шунда у: «Эй Роббим, қаердан бундай бўлди?» дейди. Шунда унга: «Фарзандингнинг сен учун истиффор айтганидан», дейилади», деб марҳамат қилган Пайғамбаримиз, у зотнинг оила аъзолари, саҳобаларига ва қиёмат кунига қадар уларга эргашишларга дуруду-саломлар бўлсин.

2014 йил, 1июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни арафасида «Muslimaat.uz» сайти ижодкорлари томонидан «Фарзандларжаннат райҳонларидир» номли гўзал бир тадбир ўтказилди.

Қуръони Карим тиловати билан бошланган тадбирнинг хайрли ва икки дунёда манфаатли бўлишини Яратгандан сўраган ҳолда дуолар қилинди.

Фарзанд ота-онанинг кўз қувончи, Аллоҳ азза ва жалла бизга ато этган энг буюк неъматлардан биридир. Бу неъматнинг қадрини билиш эса, уни ато қилган зотга қўп шуқр қилиш ва фарзандларга тўғри тарбия бериш орқали бўлади. Ўғил-қизларининг

солиҳ бўлиши ҳар бир ота-онанинг орзусидир. Шу нуқтаи назардан пайғамбарлар ва инсоният тарихининг етук намоянадалари ўз зурриётлари учун солиҳлик ва ҳидоят сўраб дуо қилганлар. Аллоҳ азза ва жалла Қуръонда Иброҳим алайҳиссаломнинг тилидан ҳикоя қилиб:

«Эй Роббим, мени ва зурриётимни намозни қоим қилувчилардан қилгин!» деб айтган. (Иброҳим, 40)



Тадбирда йиғилганлар эътиборига болалар мавзусига доир бир неча видеороликлар ҳам тақдим этилди. Уларнинг биринчиси эса Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф роҳимахуллоҳнинг айна тадбирнинг, анжуманнинг долзарблиги ва муҳимлиги борасидаги фикрлари ҳамда ўз қаламларига мансуб «Соғлом бола» китоби ҳақидаги видеомурожаатлари бўлди.

Китобларда келган ривоятлардан бирида айтиладики, муслима аёллардан бири олимга шикоят қилди: «Нега динимизда аёлларнинг ҳақхуқуқлари кам, нега масъулиятли масалалар аёлларга ишонилмайди?» Олим чиройли жавоб қилди: «Ахир келажагимизни сизнинг қўлингизга ишониб топшириб қўймадикми? Фарзанд тарбияси аёллар қўлида. Уларга қандай тарбия берсангиз, эртанги жамиятимиз худди ўшандай кўринишда бўлади!» Бас шундай экан, ўз зиммамизга юклатилган вазифаларни тўлақонли бажариш бизнинг бурчимиз.

Бугун болаларни ҳаддан зиёд эркалатиб юбориш ва бунинг натижасида уларнинг тарбияси бузилиш ҳоллари учраб туради. Эркалатиш эса унинг оғзидан чиққанини ўша заҳотиёқ бажариш кўринишида уч-

райди. Масалан, фарзандингиз билан ўзингизга керакли нарсани харид қилиш учун дўконга кирдингиз. У эса сиздан «Кириешки», «Чипс» ёки «Чупа чупс» олиб беришни сўрайди. Ўша заҳотиёққўлига тутқизасиз.

Тадбирда бевосита болалар билан тайёрланган видеоролик анжуман иштирокчилари эътиборига ҳавола этилди. Унда болажонлар дўкондан қайси маҳсулотларни танлашларини айтиб ўтишди. Хулоса шундай эдики, улар аксарият ҳолларда қўшимча таъм берувчилар, сунъий бўёқлар қўшилган, саломатликка фойда бўлмаган маҳсулотларни хуш кўрадилар. Хўш, нега шундай? Ва ечим нимада?

Бу саволларга тадбирда иштирок этаётган шифокор Раъно Тожибоевнинг «Бола ривожланишида таомнинг аҳамияти» мавзусидаги маърузаларидан жавоб топилди.

Шунингдек, болаларимиз ҳар куни телевизор орқали кўрадиган ва онг остига ўрнашиб қоладиган рекламалар ҳақида ҳам сўз бориб, анжуман иштирокчиси Ирода Асилбекова «ОАВнинг бола онгига таъсири» хусусида маърузасини тақдим қилди.

Фарзандларимиз саломатлиги учун жуда кўп нарсаларга аҳамиятли бўлишимиз лозимлигини тушундик. Лекин бугун биз



тилга олишга улгурмаган жиҳатлар ундан ҳам кўп. Келинг, айна дамда биз ҳар куни ишлатадиган сўзларга аҳамият берайлик. Фарзандларимиз тўғри иш қилса, мақтаймизми? Нима деб мақтаймиз? Ёмон иш қилганда-чи? Уришамизми, қарғаймизми? Нима деб қарғаймиз? Анжуманда ўқилган шеър кўпчилик оналар учун ибрат бўлди деб ўйлаймиз.

# Энг гўзал қарғиш

Бир саҳрои аёлнинг  
Ўғилчаси шўх экан.  
Ундан зарар кўрмаган,  
Бирон куни йўқ экан.

Қозондаги таомин,  
Тешиб қочиб кетаркан.  
Мешидаги сувини,  
Сешиб қочиб кетаркан.

Қарғар экан боласин  
Қилолмасдан эпини,  
Қирқиб қочганида кир  
Ёядиган ипини.

«Ҳой, ипимни қирқмагин,  
Қалбингга илм тўлгур.  
Ҳой, мешимни тешмагил,  
Каъбага имом бўлгур!»

Сичқон думин кесмагин,  
Беозор бўл, тўғри юр.  
Ғариб йўлин тўсмагил,  
Каъбага имом бўлгур».

Демас экан: «Жувонмарг»,  
«Ҳароми», «Мараз», «Ўлгур»,  
Битта экан қарғиши:  
«Каъбага имом бўлгур!»

Ният кетди, вақт ўтди,  
Мисли ел ё шабада,  
Шу онанинг шу ўғли  
Имом бўлди Каъбага.

Не-не шоҳу султонлар,  
Орқасидан туриб ғоз.  
Унга иқтидо қилиб,  
Ўқир эдилар намоз.

Дуо-ла шум боладан  
Чиқди бир хушнафасли  
Олим, ҳофизи Қуръон  
Абдурахмон Судайсий.

Назоратда инсоннинг,  
Ҳар сўз, ҳар бир нафаси,  
Ибрат бўлсин бизга бу  
Аллоҳнинг мўъжизаси.

Комил инсон кўрдингми,  
Марҳабо, билки, улар  
Ота-она, элидан  
Дуо олган болалар.

*Марҳабо Каримова*



Кейин эса даврага мана шу сатрлар муаллифи, халқимизнинг суюкли шоираси Марҳабо Каримова таклиф этилдилар.

Шоира опамиз ўзларининг дилларида айнан болажонлар ва уларга бўлган муносабат борасидаги сўзларни жуда гўзал тарзда баён этдилар. Буни эса мухлисларга совға тарзида шеърий кўринишда ифдалаб бера олдилар. «Ўзбекнинг ҳар куни болалар куни» деб ном олган бу шеър йиғилганларга ниҳоятда манзур бўлди.

Бугун ҳаммамиз бандмиз, вақтлар тиғиз, кунлар баракасиз. Баъзан аёллар уй ишларини қилишга улгурмай қоладилар. Шунда тезроқ пишадиган ярим тайёр маҳсулотлардан фойдаланиш истаги ҳам келиб чиқади. Айни пайтда болалар ҳам ҳалақит қилмай турса, ишларимни тез тез қилиб олсам деймиз. Улар эса аксига олиб бизнинг пайтдагига ўхшаб ўйинчоқ ўйнашмайди. Демак, бунинг ечими ёки телевизор, ёки имкони борлар учун компьютер.



лалик йиллари билан фарзандларимизни таништириб боришимиз муҳим. Токи уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари бизга ҳам, фарзандларимизга ҳам ўрнак ва ибрат бўлсин!

Бағрикенг халқ фарзандлари бўлганимиз учун биз ҳаммани, ким бўлишидан қатъи назар, инсон деб қабул қиламиз, миллат ва дин ажратмаймиз. Барчага бирдек гўзал муомалада бўламиз. Лекин нуқсонларимиздан бири бир тоифа вакилларига ўзгача нигоҳ билан қарашимизда. Бу эса ногиронлардир. Анжуманда сўз навбати Гўзал Дадамухамедовага берилди, у жамиятимизда жисмоний имконияти чекланган болаларнинг ҳам тенг ҳуқуқли эканликлари ҳақида сўзлади.

Тадбир Одинахон Муҳаммад Юсуф томонларидан етим болалар ҳақида тайёрланган видеоролик ҳамда анъанага мувофиқ Куръони Карим тиловати билан якунланди.

*Ирода Асилбекова*

Болаларимиз қайси кўрсатувларни ва қайси телеқаҳрамонларни ёқтиришади? Интернетдан олинган қайси ўйинлар уларнинг жону дили?

Шу ўринда болаларга бевосита савол билан мурожаат қилинган видеороликлар йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди. Болаларнинг фикри билан танишилди. Назаримизда, улар беэён телевизор кўриб ўтиришибди. Лекин фарзандларимиз бизни тинч қўйган бу ярим соат учун келажакда қандай ҳақ тўлаймиз? Эртага унинг меваси бераҳмлигу бешафқатлик бўлмайдими?

Болаларимиз руҳан ва маънан соғлом бўлишлари учун қўлдан келганча ҳаракат қилар эканмиз, уларга ўзимиз ўрнак бўлишимиз, шу билан бирга, ўтган улуғ алломаларнинг бо-





*Она эрур буюк бир мактаб.  
Бу мактабни қуриб битказмак  
аслзода элни кайшф этмоқ демак.*

*Аҳмад Шавқий*



*Muslimaat.uz 1439-2018*